# ЎЗБЕК ФАЛСАФАСИ МОДУЛИДАН ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА



САМАРҚАНД-2021

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МИНТАҚАВИЙ МАРКАЗИ**

# “ЎЗБЕК ФАЛСАФАСИ”

**МОДУЛИ БЎЙИЧА**

# ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

**Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси йўналиши:** Фалсафа

**Самарқанд -2021**

**Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил “7”-декабрдаги 648-сонли баённомаси билан маъқулланган ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган.**

**Тузувчилар:**
Самарқанд давлат университети фалсафа кафедраси профессори С.Каримов, профессор Ш.Қўшоқов, доцент А.Самадов

**Тақризчилар:**
Самарқанд давлат университети фалсафа кафедраси профессори Б.Тураев.

Ўқув-услубий мажмуа Самарқанд давлат университети илмий-методик кенгаши (2020 йил “28”-декабрдаги 4- сонли баённомаси).

# МУНДАРИЖА

I. МОДУЛНИНГ ИШЧИ ДАСТУРИ...........................5

II. ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.................10

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР..................................16

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.........37

V. ГЛОССАРИЙ.......................................................59

VI. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ ..................................69

# I. МОДУЛНИНГ ИШЧИ ДАСТУРИ

## Кириш

Мазкур дастур ривожланган хорижий давлатларнинг олий таълим соҳасида эришган ютуқлари ҳамда орттирган тажрибалари асосида “Миллий ғоя, маънавият асослари, Фалсафа ” қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналиши учун тайёрланган намунавий ўқув режа ҳамда дастур мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

Жамият тараққиёти нафақат мамлакат иқтисодий салоҳиятининг юксаклиги билан, балки бу салоҳият ҳар бир инсоннинг камол топиши ва уйғун ривожланишига қанчалик йўналтирилганлиги, инновацияларни тадбиқ этилганлиги билан ҳам ўлчанади. Демак, таълим тизими самарадорлигини ошириш, педагогларни замонавий билим ҳамда амалий кўникма ва малакалар билан қуроллантириш, чет эл илғор тажрибаларини ўрганиш ва таълим амалиётига тадбиқ этиш бугунги куннинг долзарб вазифасидир. “Ислом ва ҳозирги замон” Модули айнан мана шу йўналишдаги масалаларни ҳал этишга қаратилган.

## Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Ўзбек Фалсафаси” Модулини ўқитишдан мақсад: олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари билан Фалсафа  Модулини ўқитиш жараёнида аҳамият бериш лозим бўлган масалалар, Модулни ўрганиш ва таҳлил қилишга қаратилган илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш орқали ушбу йўналишдаги таълим жараёнини мувофиқлаштириш ва мазмунан бойитиш, Ислом ва ҳозирги замон бўйича маълумотларни бериш самарадорлигини оширишга ёрдам берадиган замонавий ёндашувлар билан ҳамда педагогик ва ахборот технологиялар билан таништириш, маънавият асослари соҳасида юксак малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш.

## Модулнинг вазифалари:

- Фалсафа  йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш;
- замонавий талабларга модулли тизимга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;
- Фалсафа  соҳаси педагоглари томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали ўзлаштирилишини таъминлаш;
- Фалсафа  соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларни  ўзлаштириш;
- Фалсафа нинг ижтимоий ҳаёт ва конфессиялараро муаммоларини ўрганишнинг замонавий тенденцияларини ишлаб чиқиш;
- Фалсафа  йўналишларида жаҳон динларини қиёсий ўрганишнинг глобаллашув ва диний жараёнлар контекстидаги масалаларни баҳолаш;

- Фалсафа  йўналишида ўқув жараёнини фан ва ишлаб чиқариш билан самарали интеграциясини таъминлашга қаратилган фаолиятни ташкил этиш.

**Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

“ Ўзбек Фалсафаси” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида**:**

“Кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш”, “Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш”, “Педагогнинг касбий профессионаллигини ошириш”, “Таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш”, “Махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили” модуллари бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар тегишли таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган умумий малака талаблари билан белгиланади.

Мутахассислик фанлари бўйича тингловчилар қуйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

**Тингловчи:**

- Ўзбекистонда Фалсафа  фанининг янги тараққиёти, мустақилликдан кейин Ўзбекистонда динларни ўрганишга муносабатнинг ўзгариши ва фаннинг таълим жараёнига жалб этилиши муаммоларини ва унинг ривожланиш истиқболларини;

- жаҳонда динларни ўрганиш тажрибаси, глобаллашув даврида динларни ўрганишнинг долзарблиги, динларни ўрганишдаги замонавий қарашлар ва Фалсафа фанининг жорий ҳолати ва истиқболдаги вазифаларини;

- динларни ўрганишнинг шарқона услуби, бугунги кунда мусулмон мамлакатларида Фалсафа  фанининг ўқитилиш йўллари бўйича салоҳиятни ошириб бориш борасида мунтазам ишлашни;

- Фалсафа  йўналишида  Марказий Осиё олиму уламоаларининг ислом илмларига қўшган ҳиссасини  ва  ижтимоий ҳаёт ҳамда диний жараёнлар моҳиятини;

Фалсафа  фанларида фойдаланиладиган замонавий амалий дастурлар мажмуаларини ***билиши*** керак.

**Тингловчи:**

- Фалсафа  фанининг ўқитиш бўйича янги технологияларни  амалиётда қўллаш;

- ахборот технологияларининг замонавий воситаларидан фойдаланиб диний манбаларни бағрикенглик жиҳатидан ўрганиш, диний манбалар: муқаддас ёзувлар, моддий манбалар, шарҳлар тадқиқи усуллари бўйича  илмий-тадқиқотларни ўтказиш;

- Қуръони карим ва ҳадисларда келтирилган турли динлар, динларни ўрганишнинг шарқона услуби, мусулмон мамлакатларида Фалсафа  фанининг ўқитилишини таҳлил қилиш ва акс эттириш, хулосалар чиқариш, илмий мақолалар тайёрлаш, тавсияларини ишлаб чиқиш;

- Абу Райҳон Беруний асарларининг Фалсафа ни ўрганишдаги ўрни, диний манбаларни бағрикенглик жиҳатидан ўрганиш, муқаддас ёзувлар, моддий манбалар, шарҳлар, тадқиқ усуллари бўйича илғор тажрибалардан фойдаланиш;

- ўз устида ишлаб, фаннинг янги тадқиқотларини ўқитиш тизимига қўллаш;

- Фалсафа   бўйича маъруза, амалий машғулот ва назорат ишларини ташкил этиш;

- педагогик жараёнда мулоқот услубларини тўғри қўллай олиш ***кўникмаларига*** эга бўлиши лозим.

**Тингловчи:**

- Фалсафа фанида ахборот-коммуникацион технологияларини илмий-назарий ва амалий жиҳатдан қўллаш;
- динларни ўрганишдаги замонавий қарашлар, Шарқ алломаларининг асарларидаги Фалсафа масалалари бўйича замонавий йўналишларни ишлаб чиқиш ва оммалаштириш;
- Фалсафа фанини ижтимоий-маънавий соҳаларга татбиқ қилиш;
- Фалсафа фанларида дастурлар пакети ёрдамида муаммоларни ўрганишнинг замонавий усулларини қўллаш ***малакаларига*** эга бўлиши зарур.

**Тингловчи:**

- Фалсафа фанларининг дастурлар пакетини ўқув жараёнига татбиқ этиш;
- Фалсафа фанлари дастурлари пакети ёрдамида ечишнинг замонавий масалаларини таҳлил қила олиш;
- Фалсафа бўйича касбий фаолият юритиш учун зарур бўлган билим, кўникма, малака ва шахсий сифатларга эга бўлиш;
- Фалсафа видеодарсларни тайёрлаш;
- эгалланган тажрибани танқидий кўриб чиқиш қобилияти, зарур бўлганда ўз касбий фаолиятининг тури ва характерини ўзгартира олиш;
- Фалсафа фанида тизимли таҳлил усулидан фойдаланиш йўлларини ишлаб чиқиш.
- Фалсафа фанларининг долзарб масалаларига оид замонавий манбалардан фойдалана олиш ***компетенцияларига*** эга бўлиши лозим.

**Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар илғор хорижий мамлакатларда биология ўқитишни ташкил қилишнинг хорижий тажрибаларни ўрганиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар. Сўнгги йилларда Миллий ғоя, маънавият асослари, Фалсафа соҳасидаги ютуқлар ва истиқболлар олий ўқув юртларидаги таълим жараёнининг мазмунини бойитишга хизмат қилади.

**“Ўзбек Фалсафаси”** модулининг соатлар бўйича тақсимоти

| № | Модул мавзулари | Тингловчининг ўқув юкламаси, соат | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Ҳаммаси | Аудитория ўқув юкламаси | | | Кўчма машғулот |
| | | | Жами | жумладан | | |
| | | | | Назарий | Амалий машғулот | |
| **1.** | Ўзбек фалсафасининг тарихий илдизлари. | 4 | 4 | 2 | 2 | |
| **2.** | Глобаллашув шароитида янгича | 4 | 4 | 2 | 2 | |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | тафаккур шаклланишини ривожлантириш зарурати. | | | | | |
| **3.** | XX аср ўзбек фалсафаси ва унинг ривожланиш стратегияси | 4 | 4 | 2 | 2 | |
| **4.** | «Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари» ўзбек фалсафасининг замонавий концепцияси. | 4 | 4 | 2 | 2 | |
| **5** | Ўзбекистоннинг жаҳон цивилизациясига кириб боришининг асосий йўналишлари. Маънавий баркамол авлод – буюк келажак бунёдкори. | 2 | 2 | | 2 | |
| **Жами:** | | **18** | **18** | **8** | **10** | **0** |

## НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

**1-Мавзу: Ўзбек фалсафасининг тарихий илдизлари.**

Муқаддас манбалари. тарихий таълимоти ва унинг моҳияти. Исломдаги бўлинишлар.

**2-Мавзу:Глобаллашув шароитида янгича тафаккур шаклланишини ривожлантириш зарурати.**

Абу Ҳафс Кабир Бухорий, Имом Бухорий, Ҳаким ат-Термизий ва бошқа олиму уламоларнинг ислом илмларига қўшган ҳиссаси.

**3-Мавзу: XX аср ўзбек фалсафаси ва унинг ривожланиш стратегияси**

Дин ва ижтимоий ҳаёт. Ислом фалсафаси. Ислом динида бағрикенглик масаласи. Исломшуносликнинг замонавий масалалари.

**4-Мавзу: «Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари» ўзбек фалсафасининг замонавий концепцияси.**

Ўзбекистонда динлараро бағрикенглик маданияти. Конфессиялараро муносабатлар. Янги Ўзбекистонда диний муносабатларнинг янги босқичи ва ривожланиш йўллари. Виждон эркинлиги масаласи.

**5-Мавзу: Ўзбекистоннинг жаҳон цивилизациясига кириб боришининг асосий йўналишлари. Маънавий баркамол авлод – буюк келажак бунёдкори.**

«Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари» ўзбек фалсафасининг замонавий концепцияси. Ўзбекистоннинг жаҳон цивилизациясига кириб боришининг асосий йўналишлари. Маънавий баркамол авлод – буюк келажак бунёдкори.

## АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР

**1-Амалий машғулот.** Ўзбек фалсафасининг тарихий илдизлари.

**2-Амалий машғулот.** Глобаллашув шароитида янгича тафаккур шаклланишини ривожлантириш зарурати.

**3-Амалий машғулот.** Ислом ва ҳозирги замон.

**4-Амалий машғулот.** XX аср ўзбек фалсафаси ва унинг ривожланиш стратегияси

**5-Амалий машғулот.** Ўзбекистоннинг жаҳон цивилизациясига кириб боришининг асосий йўналишлари. Маънавий баркамол авлод – буюк келажак бунёдкори.

# II. ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

### “SWOT-таҳлил” методидан фойдаланиш

**Методнинг мақсади:** мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.

| | |
|---|---|
| **S – (strength)** | • кучли томонлари |
| **W – (weakness)** | • заиф, кучсиз томонлари |
| **O – (opportunity)** | • имкониятлари |
| **T – (threat)** | • тўсиқлар |

**Намуна:** Анаънавий ва замонавий таълим шаклларини “SWOT-таҳлил” методида таҳлил қилинг.

| | | |
|---|---|---|
| | Оддий маърузада маърузачи талабалар, тингловчиларга кўп маълумот бера олади | Муаммоли маърузада камроқ маълумот берилади, бироқ улар талабалар онгига сингдириб берилади |
| | Ўқитувчи асосан ўзи ва аълочи, қизиқувчи талабалар билан гаплашади, яъни дарсда оз сонли талабалар қамраб олинади | Муаммоли маърузада кўп сонли талабалар, тингловчилар қамраб олинади |
| | Оддий маърузада фақат ўқитувчи режа асосида ва тайёрлаб келган маълумотлари атрофида гаплашилади | Муаммоли маърузада муҳокама жараёнида янги-янги масалалар, муаммолар юзага чиқиши, ғоялар туғилиши мумкин. |
| | Ўқитувчи учун асосий тўсиқ – дастурдан чиқиб кета олмаслик, талаба учун қизиқмаса ҳам ўқитувчини эшитиб ўтириш мажбурияти | Кенг муҳокама учун вақтнинг чегараланганлиги, талабаларни мавзудан четга буришга интилишлари |

**Резюме, Веер методидан фойдаланиш**

**Методнинг мақсади:** Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида фойдаланиш мумкин.

**Методни амалга ошириш тартиби:**



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гуруҳга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма



ҳар бир гуруҳ ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қилади;



навбатдаги босқичда барча гуруҳлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлр билан тўлдирилади ва

**Намуна:**

| **Фалсафадан малака талаблари** | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| **Собиқ стандартлар** | | **Амалдаги стандартлар** | | **Такомиллаштирилган стандартлар** | |
| афзаллиги | камчилиги | афзаллиги | камчилиги | афзаллиги | камчилиги |
| | | | | | |
| **Хулоса:** | | | | | |

**“ФСМУ” методидан фойдаланиш**

**Технологиянинг мақсади:** Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

**Технологияни амалга ошириш тартиби:**

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:




-

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

**Намуна.**

**Фикр:** “Фалсафадан малака талабларини халқаро андозалар асосида такомиллаштириш ва сертификатлаштириш таълим самарадорлигининг энг муҳим омилларидан биридир”.

**Топширик:** Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

**Венн Диаграммаси методидан фойдаланиш**

**Методнинг мақсади:** Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиш, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

**Методни амалга ошириш тартиби:**

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқилаётган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;
- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гурух аъзоларини таништирадилар;
- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргалашиб, кўриб чиқилаётган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.

**Намуна: Фалсафани турли йўналишларда ўқитишнинг фарқли жиҳатлари ўзига хосликлари**




“Зинама-
зина”,
Матн билан
ишлашга
йўналтирилган
интерфаол
метод ва
усуллар
“Бумеранг”
“Инсерт”
“Кейс-
стади”


Ижодий фаолият ва мантиқий фикрлашни
ривожлантиришга
йўналтирилган интерактив методлар:
“Идрок харитаси”
“Эссе”
“ФСМУ”
“Кластер”
“Гуруҳларда ишлаш”


Ўқув жараёнида муаммолар ва муаммоли вазиятларни ечишга йўналтирилган интерфаол методлар
“СWОТ-универсал таҳлил”
“Дебат”,
Муаммоли вазият яратиш”
“Резюме”,


“Т-чизмаси”,
“Венн диаграммаси”,
“Органайзер”,
Ҳар хил чизмалар, жадваллар ёрдамида амалга ошириладиган интерфаол методлар:

## III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

### МАЪРУЗАЛАР МАЗМУНИ
### (8 соат маъруза)

### 1-мавзу: Ўзбек фалсафасининг тарихий илдизлари.

1. Ўзбек фалсафаси фанининг предмети, объекти ва вазифалари
2. Миллий давлатчилик ва фалсафий тафаккурни шаклланиши
3. Ўзбек фалсафасининг такомил босқичлари

Инсоният яратган маънавий бойликлар орасида фалсафа илмида тўпланган хикматлар хазинаси, атоқли файласуфлар мероси, уларнинг асарлари муҳим ўрин тутади. Ҳар бир даврнинг донишмандлари ўз юрти ва халқининг тафаккури, руҳияти ҳамда орзу интилишларини фалсафий таълимотларида ифода этганлар, жамият фаровонлиги ва миллат равнақи учун хизмат қиладиган ғояларни ўртага ташлаганлар. Халқни буюк мақсадлар сари етакловчи ғояларнинг муайян давр мафкурасига айланишида фалсафий билимлар катта аҳамият касб этади. Шу маънода, миллатимизнинг даҳолари ҳисобланган машҳур алломаларнинг ҳаётбахш ғояларини ва ўлмас асарларини ўрганиш, тарғиб-ташвиқ қилиш том маънода миллий ўзликни англашга беқиёс хизмат қилади.

Умуман, биз яшаётган дунё сўнги йилларда ниҳоятда ўзгариб кетди. Хусусан, Ватанимиз тарихида XX асрнинг 90-йилларида оламшумул ҳодисалар юз берди. Мамлакатимиз мустақилликка эришиб, ўзига хос тараққиёт йўлини танлади, ривожланишнинг «ўзбек модели»ни амалга оширишга киришди. Халқимизнинг ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш зарурати дунёқарашни тубдан ўзгартириш, шўролар даврида хукм сурган ақидалардан воз кечиш, миллий истиқлол ғоясини халқимиз онги ва қалбига сингдириш, шу асосда миллий маънавиятни юксалтиришни тақозо этмоқда. Бунда ижтимоий фанлар, хусусан, фалсафий фанлар ривожи катта аҳамият касб этади. Зеро, Биринчи Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, «Кўп асрлик тарихимиз шуни кўрсатадики, инсон дунёқарашининг шаклланишида маърифатнинг, хусусан, ижтимоий фанларнинг ўрни беқиёс. Бу жамиятшунослик бўладими, тарих, фалсафа, сиёсатшунослик бўладими, психология ёки иқтисод бўладими - уларнинг барчаси одамнинг интеллектуал камолотга эришувида катта таъсир кучига эга»[1].

Алоҳида таъкидлаш лозимки, Европа ва собиқ иттифоқнинг минтақамиздан

---

[1] Қаранг. Ислом Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. 8-жилд. Т.: «Ўзбекистон», 2000. 504-бет.

бошқа ҳудудларида яшайдиган мутахассисларнинг фалсафа тарихига бағишланган китоб, рисолаларида гап, асосан, Ғарб мутафаккир ва олимлари мероси, уларнинг гносеологияга қўшган ҳиссаси тўғрисида боради. Бунда Сукрот, Платон, Аристотель, И.Кант, И.Гегель, Ф.Ницше, З.Фрейд ва бошқаларнинг номлари тилга олинади. кўплаб оқим ва таълимотлар ушбу олимлариинг номи, таълимоти ҳамда асарлари билан боғлиқ ҳолда шаклланган. Уларнинг фалсафага қўшган ҳиссалари хилма-хил, аммо бу соҳада аҳамиятга молик хизматлари ва фалсафани бойитган фикр-мулоҳазалари куп. Биз уларнинг фанга қўшган ҳиссаларини инкор этмоқчи ёки камситмоқчи эмасмиз.

Аммо Ўзбекистондаги илм-фан, жумладан фалсафа ривожи ҳам ўзининг узоқ ва шонли тарихига эга, унинг анъаналари олис ўтмиш, асрлар қаъридан бошланади. Ўрта Осиё минтақасида бу масалага оид илмий қарашлар такомили етарли даражада ўрганилмаган.

Юртимизда яшаган алломалар ижодида фалсафа масалалари қай тариқа ёритилганлигини таҳлил қиламиз. Асосий мақсад - тарихий тадқиқот эмас, балки масалани фалсафий тамойиллар билан боғлиқ тарзда қўйилиши ва таҳлил қилинишидир. Бу борадаги интилиш «Осиёцентризм» тарзида эмас, балки авлод ва аждодларимиз яратган фалсафий меросни инсоният тафаккурининг таркибий қисми сифатида холисона ўрганишга ҳаракат қилишдан иборатдир.

Ҳозирги даврда ўзининг миллий фалсафаси ва тараққиёт моделини уйғунлаштириш, шу орқали ривожланишининг янги бочқичга кўтарилишига ҳаракат қилаётган халқлар ва давлатлар кўп. Бу борада муайян тажриба ҳам тўпланган. Бугунги кунда хитой фалсафаси, ҳинд фалсафаси, юнон фалсафаси, инглиз фалсафаси, француз фалсафаси ёки немис фалсафаси атамаларига ўрганиб қолганмиз. Бу фалсафа мактабларининг ҳар бири инсоният цивилизацияси ҳақида ўзига хос ёндошувлари қатори ўз халқининг бетакрор қиёфаси, миллий анъаналари, менталитети ва маънавиятини акс эттириши билан ана шундай эътирофга сазовор бўлган.

Мустақилликка эришганимиздан кейин ана шу бой фалсафий меросимиз "Ўзбек фалсафаси" деган номи билан қайта тикланиб, янги маъно-мазмун касб этди ва ҳозирги такомил босқичига қадам қўйди. Фалсафанинг аслиятига қайтиши, собиқ иттифоқдан қолган оқибатларнинг аста-секин бартараф этилиши, инкор ва янгиланиш, ўзгариш ва ривожланиш тамойиллари билан боғлиқ бу жараён мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг таркибий қисмига айланди.

Ўзбек фалсафаси тушунчаси халқимизнинг фалсафий тафаккури. Онги ва дунёқарашининг ривожланиш босқичлари, тушунча ва категориялари, маънавий тамойиллари ва ўзига хос хусситятларини ифодалайди, қадимги замонлардан

шаклланиб бугунги кунгача етиб келган илмий-фалсафий мерос, у билан боғлиқ жараёнлар, шу соҳадаги ғоялар, назария ва таълимотлар мажмуни англатади. Бундан ташқари, у мустақилликка эришган халқимизнинг тараққиёт йўли ва ривожланиш тамойиллари, демократикислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнининг фалсафий, маънавий омиллари, амалга оширилаётган бунёдкор ишлари таъсирида аҳолининг онги ва тафаккурида рўй бераётган ўзгаришларни ҳам ўзида акс эттиради.

Марказий Осиёда вужудга келган қадимги фалсафий таълимотлар, улар илгари сурган ғоялар бугунги кунда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Санаб ўтилган қадимги фалсафий таълимотлар яъни зардуштийлик, унинг бош китоби – "Авесто", Моний таълимоти "Моний ёзуви" , маздакийлик ҳаракати жамиятда адолат, эркинлик, тенг ҳуқуқлилик тамойилларини қарор топтиришга даъват этган. Шу маънода, ватанимизнинг ўша даврда шаклланган ва ривожланган бой маданияти, миллий маънавиятимиз, фалсафамиз жаҳон фалсафий тафаккури ривожига катта таъсир кўрсатган.

Яна шуни таъкидлаш керакки, Зардушт дини ва кейинчалик унинг асосида пайдо бўлган Моний дини кўпхудоликдан яккахудоликка ўтган даврини белгилаб берган динлар эди. Яъни бизда исломгача яккахудолик ҳақидаги ақидалар шаклланиб бўлган эди. "Авесто" яна шунга гувохлик берадики, унда инсониятнинг олам тузилиши, табиат ва унинг неъматларидан фойдаланиш йўриқлари, инсон ахлоқи, жамият тизими, инсоннинг орзу-армонлари, ўзини ва оламни билиш қобилияти бир бутун холда шакллана бошлади. Одамларнинг муқаддаслик, рух, жон, фаришта, тана, тупроқ, сув, олов ҳақидаги тушунчалари ифодаланди. Яъни мифологиядан динга ўтиш ва динлар асосида бир тизимли фалсафий дунёқараш, амалиётда эса шу дунёқараш асосида қонун-қоидалар ишлаб чиқиш йўлга қўйилди. Шу боис ҳам зардуштийлик дини нафақат Марказий Осиё халқлари тарихида, балки умуминсоният тарихида тафаккурий – эътиқодий ва амалий-ижтимоий юксалиш эди. Кўпгина олимлар фикрига кўра, Зардушт- буюк мутафаккир инсон, забардаст шоир бўлган. Унинг қарашлари ислом дини кириб келгунга қадар ўзига хос аҳамиятга эга бўлган.

Яна шуни таъкидлаш керакки. юртимиз халқлари цивилизацияси, онги ва тафаккури, миллий қадриятлари араб дунёси, маданияти ривожига ҳам катта таъсир кўрсатгани шубҳасиз. Хоразмий, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Улуғбек каби мутафаккир олимлар, Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Нажмиддин Кубро, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд каби илоҳиёт илмининг забардаст алломалари, Лутфий, Юсуф Хос Хожиб, Навоий, Бобур, Бедил, Машраб каби улуғ зотларнинғ камолотида нафақат исломий тафаккур, балки цивилизациямиз маданияти ва қадриятлари таъсири беқиёсдир. Уларнинг ислом фалсафасига,

уни замона зайллари орасидан ўтиши жараёнига таъсири тўғрисида махсус тадқиқотлар олиб бориш мумкин. Замонавий ислом илоҳиётчклари Ал-Бухорий асарларини «Қуръон»дан кейинги манба сифатида тан олгани, Ат-Термизий, Замахшарий, Яссавий, Нақиь банд ва бошқа алломаларимиз меросини қадрлашк бежиз эмас. Ҳозирги даврда фалсафа тарихи бўйича баъзи мутахассислар суҳбат ва баҳсларда Ал-Бухорий, Термизий, Кубро ва бошқалар ижодида соф фалсафий мавзулар, масалан, онтология ва гносеология масалалари қараб чиқилмаган, деган фикрни билдирадилар. Бу фикрга қўшилиб бўлмайди. Балки, фалсафанинг ғарбча талқинидаги онтолоғия ва гносеология масалалари бу мутафаккирлар меросида алоҳида, махсус мавзу тарзида қараб чиқилмагандир. Аммо, мазкур масалада хам халқимизнииғ «Излаган топади» деган ҳикматли сўзига амал қилиш лозим. Бу борада Иброҳим Мўминовнинг Бедил ижодига бағишланған асари ёки Омонулла Файзуллаевнинг Ал-Хоразмий фалсафий мероси ҳақидаги китоби ва Ал-Фарғоний тўғрисидаги мақолалари ибрат бўлиши мумкин. Қолавсрса, юқорида номлари тилга олинған алломалар ўз даврида кенг тарқалган табиий-илмий билимлардан хабардор бўлганлар, уларни ўрганганлар, ушбу билимларга таяниб, ўзларининг ижтимоий-фалсафий қарашларини баён қилганлар. Улар ўша даврнинг онтологик ва гносеологик тушунча ҳамда тамойилларини муайян ҳақиқатлар сифатида қабул қилганлар ва ўз асарларида қўллаганлар. Араб халифалиги VIII-IX асрда Осиё, Африка ва Европанинг бир қисмини эгаллаган улкан империяга айланган эди. Ягона муомала тили араб тили эди. Барча мадрасаларда шу тилда таълим олиб бориларди, илм-фан ҳам араб тилида яратиларди. Бу хол турли ўлкалар, халқлардан етишиб чиққан олимлар, зиёлийларнинг ўзаро мулоқот олиб бориши, таҳсил олиши, фан ютуқларидан ўзаро баҳраманд бўлишлари учун қулай шароитни вужудга келтирарди.

Илм-фан, маънавиятга эътибор Ғазнавийлар, Қорахонийлар ҳукмронлиги даврларида ҳам давом этган. Айниқса Хоразмда шоҳ Маъмун даврида барпо этилган “Дорул улум”нинг тарихий аҳамияти беқиёсдир. Дунё илм-фан тарихида у “Хоразм Маъмун Академияси” номи билан машҳур. Абу Райҳон Беруний, Мусо ал-Хоразмий, Ибн Сино каби кўплаб алломалар ана шу илмий муҳитнинг натижасида тарбияланган исбот талаб қилмайди.

Муайян бир минтақада маълум бир давр ичида тушкунликда бўлиб, сўнгра юксакликка эришилган ҳолат ғарб тилларида одатда ренессанс, бизда эса уйғониш даври дейилади. Юртимиз тарихида IX – X асрлар буюк, қудратли **Уйғониш даври** эди. Демак, инсоният тарихидаги улкан уйғониш даврларидан бири бизнинг мамлакатимиз, минтақамизда рўй берган ва бу юксалиш аждодларимиз орқали бутун башариятга тегишлидир.

Ушбу давр фалсафаси фалсафий тафаккури мамлакатимизда ислом

динининг тарқалиши ва қадимги юнон фалсафий меросини ўрганишга қизиқишнинг ортиши билан узвий боғлиқдир. Бу давр £арбда фалсафа, фан ва санъат тушкунликка юз тутган бир вақтда Шарқда қадимги Юнон илғор фалсафий, табиий-илмий анъаналар ва азалий маҳаллий анъаналар негизида маънавий ҳаёт юксак ривожланган даврдир. Бу Амударё ва Сирдарё бўйларида яшаган халқимизнинг даҳоси энг юксак даражага кўтарилган, унинг атоқли намояндалари жаҳон маданияти саҳифаларига ўзларининг ўчмас номларини муҳрлаб кетган давр фалсафасидир.

**Назорат саволлари**

1. Ўзбек фалсафасини предметини атинг?
2. Ўзбек фалсафасини нечта такомил босқичи мавжуд?
3. Миллий давлатчилик ва фалсафий тафаккурнинг ўзаро нисбати қандай?
4. Дунёқарашнинг асосий тарихий шаклларини таърифланг.
5. Нима учун фалсафа тарихида фикрлар ранг-барангliги меъёр ҳисобланади?
6. Айрим инсоннинг яхлит фалсафий дунёқараши фалсафий плюрализм асосида қандай шаклланади?
7. Фалсафа тарихида «фалсафанинг асосий масаласи»га таъриф бериш қандай амалга оширилган?
8. Ҳозирги дунёда фалсафа қандай вазифаларни ҳал қилмоқда?

10. Мустақиллик давридаги “Фалсафанинг сиймоси”ни кўрсатинг

## 2-Мавзу:Глобаллашув шароитида янгича тафаккур шаклланишини ривожлантириш зарурати

1. **Глобаллашув жараёни тўғрисида замонавий ёндашувлар ва маданиятлараро интеграция масаласи**
2. **Янгича тафаккур шаклланишида фалсафанинг ўрни**
3. **Маданиятлараро мулоқот-глобаллашув жараёнининг муҳим шарти**

Ҳозирги кунда жаҳон тараққиётида шаклланган янги умумсайёравий тартиб, тамаддуннинг мазмун-моҳияти, давлатлар ва кишилар ўртасидаги ўзаро алоқаларининг кенгайиши ва мураккаблашиши, дунё миқёсида ахборот макони, капитал, товар ҳамда ишчи кучи бозорида тамоман янги вазият вужудга келиши, атроф-муҳитга техноген таъсирнинг кучайиши, ахборотмафкуравий ва диний-экстремистик хуружлар хавфининг ортиб бориши, жамият ҳаётининг барча соҳалари, иқтисодиёт, сиёсат, мафкура, маданият, ҳатто шахсий турмуш тарзини ҳам глобаллашув жараёни билан боғлашмоқда. Юқорида таъкидланганидек глобаллашув жараёнлари жамият ижтимоий-иқтисодий ривожининг барча жабҳаларини қамраб олиб, унинг кўринишлари инсон ҳаётининг турли соҳаларига ўз таъсирини кўрсатиб келмоқда. Бундай таъсирни, яъни глобаллашув соҳалари ва унинг кўринишларини Эдуард Азроянц умумий тарзда қуйидагича ифодалайди[1].

Глобаллашув жараёнлари жамият ижтимоий-иқтисодий соҳаларининг барча жабҳаларига ўз таъсирини ўтказиб, уларнинг ўзгариши ва ривожланишига олиб келаётганлигини кўрсатмоқда, жумладан:

- технология соҳасида дунё миқёсида маҳсулотлар ишлаб чиқаришни монополлаштирувчи молиявий жараёнларни келтириб чиқараётганлиги, халқаро майдонда молиявий компютер тармоғи орқали дунёнинг бир бурчагидан бошқасига исталган миқдорда маблағнинг ўтказилиши, халқаро майдонда рақобатни ривожлантирувчи метатехнологияларнинг ривожланиши (космик йўлдош, компьютер, уяли телефон, интернет ва ҳ.к.) билан белгиланиши;

- экология соҳасида, иқтисодиётнинг ривожи учун ер ресурслари (энергетик ва хом ашё заҳиралари)дан фойдаланиш, бунинг эвазига инсоният ҳаётига хавф туғдираётган табиат ва атроф-муҳит ҳолатининг кескин ёмонлашуви, биосферага техноген таъсирларнинг кучайиши, жонивор ва ўсимлик турларининг йўқолиб кетиши;

- иқтисодиёт соҳасида, дунё миқёсида трансмиллий корпорацияларнинг шаклланиши, иқтисодиётнинг минтақавийлашуви, жаҳон миқёсида савдо ва хизматларнинг жадаллашуви;

[1] Азроянц Э. Глобализация: катастрофа или путь к развитию. –М.: Новый век, 2002. –С.316

- маданий соҳада, оммавий маданиятнинг ривожланиши, айниқса, мусиқа, кино, театр, шоу-кўрсатувлар, кийиниш, оммавий-ахборот воситалари фаолиятларининг бир хиллашуви, турли халқлар маданиятининг ўзаро таъсири, бир-бирини бойитиши туфайли маданиятлараро алоқаларнинг мустаҳкамланиши ва янги замонавий анъаналарнинг шаклланиши ва ҳ.к.лар

Бугунги кунда фалсафий тафаккурнинг янгиланиши ҳар бир жамият аъзосининг ижтимоий қиёфаси, руҳий дунёси, мақсад ва эҳтиёжларининг ўзгариши баробарида жамият тафаккурининг ўзгаришида намоён бўлмоқда. Инсоннинг фалсафий тафаккур тарзи ва йўналишига таъсир кўрсатадиган, ғоявий-назарий роль ўйнайдиган тасаввурлар мавжудки, улар методологик тамойилларда мужассамлашган. Дарҳақиқат, фалсафа турли даврларда дунёнинг турли мамлакатларида тўпланган билимларни, тажрибаларнинг якунларини умумлаштиради, яқинлаштиради ва бирлаштиради. Шу асосда, фанларнинг яқинлашуви, муаммоларнинг муштараклашуви инсоният илмий ва амалий фаолиятининг кенгайиши учун янги имкониятларни юзага келтиради. Инсон бу тафаккур орқали ўз моҳияти, жамият, табиат ҳақида тизимли билимлар кўникмасини ҳосил қилиш билан чекланмай, улар асосида илмий тафаккур ривожи, амалий фаолият учун муҳим бўлган умумий хулосалар чиқаришга ҳам интилади. Натижада фан учун янги кашфиётлар дунё юзини кўради. Бу эса фаннинг такрорланмас ютуғидир. Сир эмаски, ҳозирги даврда фалсафа фанига бўлган қараш кескин ўзгариб бормоқда. Ёшларнинг мафкуравий иммунитетини шакллантириш, уларнинг дунёқарашини тарбиялаш ва дунёга муносабатини такомиллаштириб бориш бугунги куннинг долзарб масалалари қаторига киради. Чунки ёш авлод эртанги кунимиз давомчиларидир.

Шу маънода, ёшларда ижтимоий фаоллик позициясини шакллантиришда фалсафа ва унинг роли ҳамда аҳамияти хусусида тўхталиб ўтар эканмиз, унинг қуйидаги жиҳатлари аҳамиятга молик:

биринчидан, фалсафий билимлар билан озиқланган ёшларда фалсафий дунёқараш, ижтимоий фаоллик позицияси шаклланади, уларда оламга, воқеа-ҳодисаларга, атрофини ўраб турган жамият аъзоларига бўлган онгли муносабат шаклланади;

иккинчидан, ёшларда фалсафий билимлар натижасида ҳар қандай муаммоли вазиятларда ҳам ўзини ўзи бошқара олиш қобилияти ривожланиб, ўсиб боради;

учинчидан, фалсафа ўзининг ёндаш, яъни унинг тармоқлари билан биргаликда ёшларда ахлоқий сифатларни “Этика” фани орқали, гўзаллик, нафосат, нафислик сингари тушунчаларни “Эстетика” фани орқали, жамият, инсон, ижтимоий тараққиёт ва унинг қонуниятларини ижтимоий фалсафа орқали тушунтиради, униб-ўсиб келаётган баркамол ёшлар онгида универсал табиатга эга

бўлган дунёқараш ривожланишида бирламчи аҳамият касб этади;

тўртинчидан, фалсафа умуминсоний қадриятлар шаклланишида ҳам ўз ҳиссасини қўша олади. Демак, ҳар қандай муаммо-масалани фалсафий таҳлил қилишда, шунингдек, бу борадаги илмий тадқиқот ишларини баҳолаш ва уларга қўйиладиган талабларни белгилашда юқоридагиларга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Бундан ташқари, фалсафанинг қуйидаги вазифалари ҳам мавжуд бўлиб, у нафақат ёшлар, балки бутун кишилик жамиятига ҳам тааллуқли: у кишиларда олам ҳақида бир бутун дунёқарашни шакллантиришга қаратилган.

Фалсафа методологик вазифани ҳам адо этади, у барча фан вакилларини илмий билишнинг асосий шакллари, усули ва тамойиллари билан қуроллантиради. Шунингдек, фалсафа гносеологик, аксиологик, гуманистик тарбиявий вазифаларни бажаради. Шу билан бирга, у шахсда жамият, инсоният олдидаги ижтимоий масъулият ҳиссини уйғотади. Фалсафанинг айнан мана шу вазифаси миллий ғоямизнинг – озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон турмуш тарзини барпо этиш сингари бош ғоясини ҳаётга тадбиқ этишимизда катта хизмат кўрсатади. Чунки халқ фаровонлиги, юрт тинчлиги, ватан тараққиёти йўлида илдам ҳаракат қилиши керак бўлган ҳар бир комил инсоннинг тарбиясида айнан ижтимоий масъулият ҳисси жамият тараққиётини мустаҳкамлашда, унинг ривожланиш қонуниятларини тўғри белгилаб олишимизда дастуриламал бўлиб хизмат қилади. Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “Бунинг учун ўзини жамиятимиз, ёшларимиз маънавияти, ғоявий-мафкуравий тарбияси учун масъул деб билган инсонлар – бу маҳалла ёки диний ташкилотлар бўладими, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ёки катта таъсир кучига эга ижодкор зиёлилар бўладими – уларнинг барчаси, айниқса, фаол бўлишлари лозим”.

Хулоса қилиб айтганда, ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда, аввало, кўплаб ислоҳотлар амалга оширилаётганлигини инобатга оладиган бўлсак, бу борада ҳали ўз ечимини кутаётган масалалар ҳам мавжуд. Ўз ўрнида ушбу масалаларни ҳал этишда буюк аждодларимиздан мерос бўлиб қолган нодир қўлёзмаларда ёзилган илмий-фалсафий мерослардан тўғри ва самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Зеро, эртанги порлоқ келажагимизни барпо этишда салоҳиятли ёшларни тарбиялаш долзарб аҳамият касб этувчи доимий масалага айланмоғи даркор.

Глобаллашув жараёни энг илғор, янги технологиялар асосида ишлаб чиқаришни техник қайта жиҳозлаш, тезкор замонавий коммуникация ва алоқа тизимларининг ривожланиши, илмий, техник ва бошқа, одамлар ҳаётфаолияти учун зарур бўлган ахборотни жамлаш ва тақсимлаш, мисли кўрилмаган меҳнат унумдорлигини таъминлаш учун қулай шароит яратиб, бу борада чекланмаган имкониятларга йўл очмоқда. Бу эса ўз навбатида турли мамлакатларнинг ўзаро

яқинлашувига, жаҳон ижтимоий ҳаёти тизимига интеграциялашуви жараёнларини фаоллаштиришга хизмат қилмоқда. Бироқ глобаллашув кишилик тамаддуни тараққийсининг табиий меваси эканлиги ва уларнинг ижобий жиҳатларини инкор этмаган ҳолда ҳозирги дунёда бир қатор ихтилоф ва зиддиятларни келтириб чиқараётган жиҳатларини ҳам эътибордан қочириб бўлмайди. Бу ҳақда фикр юритганда, аввало, маданият ва унинг бош томирини ташкил этган маънавий-ахлоқий қадриятларни асраб-авайлаш долзарб аҳамият касб этаётганини таъкидлаш лозим. Чунки бугунги кунда улар ҳар қандай мамлакат, жумладан, Ўзбекистон учун олға ҳаракат қилишнинг самарали шарти, жамият маънавий-ахлоқий соғломлигининг кафолати, кучли давлат сифатида жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашда мустаҳкам таянч бўлиб хизмат қилади.

Ҳаракатлар стратегиясининг “Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш”, деб номланган бешинчи устувор йўналишига муносабат билдирар экан, фалсафа фанлари доктори, профессор И.Саифназаров инсон эътиқодини шакллантирувчи уч омилини кўрсатиб ўтади:

- инсон ҳаётининг мақсади ва мазмунини англатадиган, ҳаётий дунёқарашини белгилайдиган, халқимизнинг буюк ва қадимий меросида ифодаланган гуманитар билимлар;
- шахснинг интеллектуал салоҳиятини юксалтирадиган ва чуқурлаштирадиган, таълим жараёнларини баҳолашнинг энг холис йўлларини, тамойилларини, усулларини шакллантирадиган илмий-назарий, ижтимоий-фалсафий билимлар;
- ўзга халқлар ҳаёти, маданияти, маънавияти, дунёқарашини ўргатадиган, уни ўзи мансуб миллий маданият билан таққослаб, ҳар бирининг муносиб ўрнини англашга имкон берадиган ҳозирги замон илғор ижтимоий билимлар.

**Назорат саволлари**

1. Глобаллашув жараёни тўғрисида қандай замонавий ёндашувлар мавжуд?
2. Янгича тафаккур шаклланишида фалсафанинг ўрнини қандай баҳолайсиз?
3. Маданиятлараро мулоқот-глобаллашув жараёнининг муҳим шартими?

## 3-мавзу: XX аср ўзбек фалсафаси ва унинг ривожланиш стратегияси

1. **Жадидчилик ҳаракатининг ижтимоий-сиёсий жиҳатлари ва ҳозирги замон фалсафаси**
2. **Тоталитар мафкуранинг фалсафага таъсири**
3. **XX асрда етишиб чиққан ўзбек файласуфлари**

Ҳар қандай фалсафий тадқиқот муаммо доирасини ва илмий категорияларни,

объектнинг ички ва ташқи функционал хусусиятларини тизимли белгиларини аниқлаб олишдан бошланади. Мазкур хусусиятлар ва белгиларни аниқлаб олмаслик эклектизмга, объект доирасини беҳад кенгайиб кетишига олиб келади. Х.Г.Гадамер айтганидек, тадқиқотга оид тушунчаларни аниқлаш объектнинг “маънавий эволюциядаги ўрни қанчалик чуқур” эканини билишга ёрдам беради. Бизнинг тадқиқотимиз учун шундай тушунчалар, категориялар “жадид”, “жадидчилик”, “маърифат”, “маърифатчилик” ҳисобланади. Жадидчилик маърифий, ижтимоий-сиёсий ҳаракат сифатида пайдо бўлишининг асосий сабаби бевосита Туркистоннинг ички муҳитининг феномени бўлиб, Россия империясининг XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Ўрта Осиёни истило қилиши билан ва бунинг натижасида вужудга келган мудҳиш ижтимоий-сиёсий вазиятнинг маҳсули бўлди. Жадидчилик ҳаракатининг вужудга келишининг объектив ва субъектив сабабларини ёритишимизда ўша даврнинг манбалари ҳисобланган ўзлари жадидчи ва жадидчиликка хайрхоҳ бўлган маърифатпарвар кишиларнинг жумладан, Аҳмад Донишнинг “Наводир ал-вақое” (“Нодир воқеалар”) ҳамда “Рисолаи тарихи амирон манғит” (“Манғит амирлари тарихи ҳақида рисола”) асарларида, тарихчи Мирза Муҳаммад Абдулазим Сомий Бўстонийнинг “Тарихи салотини манғитийа дор уссалтанаи Бухорои шариф” (“Бухоро шариф салтанатидаги манғит ҳукмдорлари тарихи”), тарихчи Мирзо Салимбек ибн Муҳаммад Раҳимнинг “Тарихий Салимий” асарларига таяниб, ва Абдурауф Фитратнинг икки асари “Мунозара” ва “Баёнати сайёҳи ҳинди” асарлари асос бўлиб хизмат қилди.

Чоризмнинг босқинчилик ҳаракати ўлкамизни мустамлакага айлантириш билан чегараланиб қолмай, маҳаллий аҳолининг маданияти ва маънавий асосларига путур етказишга ҳам қаратилганлиги унинг сиёсати давомида ўз аксини топиб борди. Туркистон мустамлакачилари маҳаллий халқларни ўта қолоқликда ушлашни ўзларига шиор қилиб олган. Уларнинг кўрсатмаси билан халққаиложи борича мумкин қадар кўпроқ пахта эктириш, уларни тинимсиз ишлашга мажбур этиш, токи бу халқнинг бошқа нарсаларни ўйлашга, сиёсий воқеаларни англаб етишга бир зум ҳам вақти, хоҳиши қолмаслигини доимо назарда тутиб келган

Биз жадидчилик ҳаракатининг мазмун-моҳияти ҳақида гапиришдан олдин тарихимиз саҳифаларида “оқ доғлар” деб аталадиган бу ҳаракатнинг асл моҳиятини, мақсад-муддаоларини холисона ўрганиш ва баҳолаш ўз ечимини кутаётганлигини таъкидламоқчимиз. Чунки, ғоявий мухолифлар яқин кунларгача жадидчиликни фақат маърифатчилик ҳаракати деб баҳолаб келдилар. Мақсад – жадидчиликнинг доирасини торайтириш, социалистиккоммунистик мафкурадан бошқаси кенг халқ онгини қамраб олиши, эгаллаши мумкин эмас, деган сохта тушунчанинг асорати эди. Шунинг учун ҳам ғоявий мухолифлар жадидчилик ҳаракатининг буржуа либерал, миллатчилик ҳаракати, майда буржуа

идеологиясини ифодаловчи оқим сифатида қараб келинган эди. Аслида эса жадидчилик:

1) жамиятнинг барча қатламларини жалб эта олди. Уйғониш мафкураси бўлиб хизмат қилди;

2) мустақиллик учун кураш олиб борди. Унинг ғайрат ва ташаббуси билан вужудга келган Туркистон мухторияти бу йўлдаги амалий ҳаракатнинг дастлабки натижаси эди;

3) маориф ва маданиятни, матбуотни ижтимоий-сиёсий мақсадларга мослаб чиқди. Мана шундай ислоҳотларни амалга оширишга бел боғлаган жадидларнинг илғор қисми маҳаллий аҳолини жаҳоннинг тараққий этган давлатларида бўлаётган ўзгаришлар ва янгиланишлардан хабардор қилиб бориш лозимлигини яхши англаганлар.

Шу ўринда профессор Б.Қосимовнинг жадидчиликка берган таърифи ҳам эътиборлидир. "Жадидчилик, дейди Б.Қосимов,-ҳам ижтимоий, ҳам сиёсий, ҳам маданий ҳаракатдир. Шунинг учун ижтимоийки, у жамиятнинг барча қатламларини жалб эта олди, миллий уйғониш идеологияси бўлиб хизмат қилди. Шунинг учун сиёсийки, у мустақиллик учун кураш олиб борди... У маданий ҳаракат ҳам эди – адабиётни янгилади, матбуот ва театрчиликни йўлга қўйди, маорифда эса "янги мактаб концепцияси" билан чинакам инқилоб ясади. Энг муҳими, буларнинг барчасини ижтимоий-сиёсий мақсадларга мослаб кўриб чиқди"1 .

Дарҳақиқат, миллий ўзликни англашнинг ўсишига муҳим туртки бўлган ва миллий озодлик ғоясини шакллантириб, ўз фаолияти билан уни амалга оширишга уринган кучли прогрессив ҳаракат – жадидчилик бўлган. У жаҳондаги умуминсоний ва миллий қадриятларга асосланиб, жамиятнинг пишиб етилган ривожланиш тараққиёти ва ўлка туб ерли аҳолисининг зарур манфаатларига жавоб берарди. Қолоқлик ва жаҳолат, аҳолининг аянчли аҳволи, Туркистоннинг жаҳон цивилизациясидан орқада қолиб келиши, Ислом ва шариатнинг оёқ ости қилиниши ва бундай оғир фожиали ҳаётдан қутулиш, эрк ва озодликка эришиш ҳақида ўз замонасининг илғор зиёли, мунавварларидан фикрмулоҳазалар пайдо бўлди. Хуллас, жаҳолат уйқусидан уйғониш тарихий заруриятга, ривожланишнинг объектив талаб ва эҳтиёжига айланди. Миллий демократлар бўлган жадидчилик ҳаракатининг энг муҳим жиҳатларидан бири миллий озодлик кураши мафкураси ва тактикасини ўрганишга қаратилган эди. Улар Европа мамлакатларининг давлат қурилиши ва қонунчилиги, Россия ва Шарқ халқларининг мустамлакачиликка қарши кураши ва демократик ҳаракатлари мафкураси ҳамда тактикасининг тенг амалий жиҳатларини ўрганиб, ундан ўз мамлакатларига мосини, тўғри келадиганини танлаб олишди. Натижада, миллий зиёлиларнинг мафкуравий ва

ижтимоий-сиёсий фаолияти кучайиши, жадидларни иккига ажралишига яъни соф маданий-маърифий ишлар тарафдорлари ва иккинчидан ижтимоийсиёсий институтларни ислоҳ қилиш, мустамлакачилик ва феодализм кишанларидан озод бўлиш тарафдорларига бўлинишларига шароит яратди.

Жадидчилар ислом олами файласуфлари қоидаларида мавжуд бўлган имкониятлардан фойдаланган ҳолда илмий-гуманистик, фалсафий назарияларни илгари сурдилар. Ўзбекистон файласуфларининг устози, марҳум академик Иброҳим Мўминов Беҳбудийнинг “Фан раҳбарларига, олимларга” мақоласини таҳлил қилиб унинг фалсафий қарашлари ҳақида тўхталиб шундай ёзади: Беҳбудий моддиюнчилик ва даҳрийлик, иштирокиюнчиликка қарши муваффақиятли курашмоқ учун баъзан калом фалсафаси хулосалари ҳам ожизлик қилиб қолиши мумкинлигини англаб етган.

Файласуфларнинг фикрича гарчанд жадидизм, масалан француз маърифатпарварлигидан бир неча аср кейин юз берган ҳодиса бўлса-да, у ўз моҳияти билан инқилобга қадар бўлган Ўзбекистоннинг маданий ва маърифий ҳаётида, француз маърифатпарварлиги сингари, ижобий роль ўйнади. Жадидларнинг фалсафий асарларида оламий ақл, инсонни Худо билан боғловчи ақл деган мистик мулоҳазалар мавжуд бўлса-да, жадидлар ақлнинг бир томондан, руҳий жараён эканлигини ва иккинчи томондан ақл ташқи таъсирнинг, таълим-тарбиянинг маҳсули эканлигини эътироф этади.

Собиқ иттифоқ даврида ҳаётнинг барча соҳалари синфийлик, партиявийлик, худосизлик тамойиллари ва давлат мулки устуворлигига таянгани, сўз ва виждон эркинлиги турли йўллар билан бўғиб келингани, бир ёқлама дунёқараш зўрлик билан сингдирилганни туфайли фалсафанинг қуруқ сафсата ва зерикарли ақидага айланиб қолгани аччиқ ҳақиқатдир. У даврда тоталитар тузум ва якка партия манфаатлари устун қўйилани оқибатида фалсафа деганда, инсонни – инсон, халқни – халққа айлантирадиган, унинг қадр-қиммати ва ўзлигини акс эттирадиган, асрлар давомида бир бутун тизим сифатида шаклланиб, ривожланиб келган ҳодиса эмас, балки собиқ мафкуранинг маддоҳига айлантирилган, унинг доирасидаги кичик бир соҳа тушунилар эди.

Мустабит шўролар даври ўзбек фалсафаси таниқли олим, файласуф Иброҳим Мўминов номи билан боғлиқ. Машҳур олим фалсафа илмига қизиқди, шу соҳада мақола, рисолалар ёзди ва илмий тадқиқот ишлари олиб борди. “Фалсафа - бепоён олам. ...фалсафа илми ҳудудий, миллий, минтақавий

хусусиятларга эга бўлиши билан бирга, умумжаҳон мезонлари, қонуниятлари, тарихийлик аломатларини ҳам ўзида акс эттиради. Шунинг учун ҳам Иброҳим Мўминов халқимиз фалсафий тафаккури қадриятларини тўғри баҳолаш мақсадида қадимги юнон, Европа, айниқса. Гегель фалсафасини ўрганмоқ зарур, деган

қарорга келади”-деб ёзади домланинг шогирди, фалсафа фанлари доктори, профессор Н.Ғойибов. Иброҳим Мўминов фалсафа илмини ўрганиш жараёнида бир қатор илмий тадқиқот ишларини ҳам амалга оширди.

У 1941 йил ўзбеклар орасида биринчилардан бўлиб “Гегель диалектикасининг рационал мағзи” мавзусида номзодлик илмий ишини ҳимоя қилди. 1943 йилда Ўзбекистон Фанлар академияси ташкил қилинади. Унинг таъсис мажлисидаёқ Иброҳим Мўминов академиянинг мухбир аъзоси қилиб сайланади.1946 йил Самарқандда “Мирзо Бедилнинг фалсафий қарашлари” монографияси рус тилида босилиб чиқди. 1950 йилда “XIX аср охири ва XX аср бошларида Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикр тараққиёти тарихидан” деган мавзуда докторлик диссертациясини ҳимоя қилади. У 50-йиллар бошларида СамДУда ижтимоий кафедрага раҳбарлик қилди. Бу кафедра Республикада фалсафа йўналишида мутахассислар тайёрлашда асосий марказлардан бири бўлиб қолади.

Профессор Н.Ғоибов ўзининг “Донишманд” рисоласида Иброхим Мўминовниг хзматлари тўғрисида қуйидагича якуний муҳим илмий хулосаларни чиқаради:

-Марказий Осиёда фалсафий тафаккур тарихи халқимизнинг умумий
тарихи билан чамбарчас боғлиқликда диалектик алоқада ривожланиб келди;
у жаҳон фалсафаси тарихий тараққиётининг ажралмас ва мазмунан бой
қисмидир;
-Марказий Осиё фалсафаси ҳозирги замон фалсафасининг асосий илмий-назарий йўналишларидан бири ҳисобланган инсон мавзусига қадим замонлардаёқ фалсафий муаммо сифатида эътибор қаратди ва ривожлантирди; инсон ахлоқи, ахлоқнинг ижтимоий моҳияти айниқса чуқурроқ таҳлил этилди;
-ижтимоий-фалсафий ғоялар бирмунча ривожлантирилди; одил жамият,
одил ҳукмдор ғоялари дадил тарғиб қилинди;
-Марказий Осиё фалсафасида билиш жараёни ўзига хос усулларда таҳлил этилди; сезгилар воситасида билиш, ақлий билиш, улар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик масалаларига муҳим аҳамият берилди;
-Марказий Осиё фалсафаси оддий диалектиканинг ривожланишига ўзига хос ҳисса қўшди. Бу ўринда сонлар назарияси, инсон танаси ҳаётий фаолиятининг, шунингдек, моддий борлиқдаги, жумладан, фазодаги барча предметларнинг харакатлари қонуниятлари ҳақидаги таълимотлар муҳим аҳамиятга эгадир;
-пантеизм таълимотининг шарқона йўналишлари (ваҳдати вужуд,
ваҳдати мавжуд) фалсафий илмлар тараққиётига ўз хиссасини қўшди;
-Марказий Осиё фалсафаси тараққиётида тасаввуф таълимоти (тасаввуф
фалсафаси) ғоялари ўзига хос аҳамиятга эга;

-Марказий Осиё фалсафий фикрлар тараққиёти юқоридаги хусусиятлари билан жаҳон фалсафаси тараққиётига муносиб ҳиссасини қўшди;

Юртимизда истиқомат қилиб келаётган турли миллат ва элат вакиллари ҳамда турли диний конфессиялар ўртасида бағрикенглик тамойилларини қарор топтиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан 2017 йил 7 февралдаги Фармон асосида эълон қилинган Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг бешинчи йўналиши айнан диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш масаласига бағишлангани мамлакат Президенти ва ҳукуматининг Бош қомусимиз ва халқаро ҳужжатларда белгиланган умуминсоний тамойиллардан оғишмай риоя этаётганидан далолатдир.

Стратегия тушунчаси грекча сўздан олинган бўлиб аслида ―жанг санъати‖маъносини билдиради. Бугунги кунга келиб ―стратегия кенг тушунчага айланиб, турли сиёсий-ижтимоий соҳаларда қўлланилмоқда. Жумладан, ―Давлат стратегияси сиёсий терминология сифатида бугунги кунда фан назарияси ва амалиёти даражасида ўзининг алоҳида тушунча ва категорияларига эга бўлиб:

1.) Узоққа мўлжалланган режалаштириш санъати;

2.) Бошқарув ва раҳбарлик маҳорат санъати;

3.) Сиёсий ва ижтимоий жараёнларни идора қилиш санъати:

4.) Аҳолини маълум мақсадлар сари сафарбар этиш санъати:

5.) Мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш санъати:

6.) Тақсимлаш ва самарадорликни таъминлаш санъати каби тушунчаларни қамраб олади.

Стратегия – бу таълимотни излаш, ифодалаш ва ривожлантириш тизими бўлиб, у изчиллик билан ва тўлиқ амалга оширилганда узоқ муддатли муваффақиятни таъминлайди. Стратегия бу – стратегик фикрлаш, чуқур билим ва интуиция асосида муҳитни, келгуси шароитларнинг мавжуд прогнозларини тизимли таҳлил қилиш натижасидир. Ушбу таҳлилнинг якуний маҳсули – бу ўзидан аввалги прогноз, вазифа, нуқтаи назар, устуворликлар ва узоқ муддатли мақсадли вазифаларни режалаштириш орқали бажарилишини талаб қилади.

Динлараро бағрикенглик ғояси турли диний эътиқодга эга бўлган кишиларнинг бир замин, бир ватанда, олижаноб ғоя ва ниятлар йўлида ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшашини англатади. Дунёдаги динларнинг барчаси заминида эзгу ғоялар туради, улар инсонни ҳалоллик, тинчлик, яхшилик ва дўстлик каби фазилатлар томон етаклайди. Азалдан ислом дини ўзга дин вакиллари билан баҳамжиҳатликка чақиради. Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай марҳамат қилади: «(Эй, мўминлар!) Сизлар аҳли китоблар билан фақат энг чиройли услубда мунозара қилингиз, илло уларнинг орасидаги зулм (тажовуз) қилганлар бундан

мустаснодирлар» (Анкабут сураси, 46- оят). Инсоният ўзини ва ўзлигини англаш йўлида асрлар мобайнида турли муқаддас аъмолларга суяниб келган. Одамларнинг эътиқодлари, улар диний-мифологик таълимот кўринишида ёки муқаддас китоб шаклида бўладими, қандай бўлмасин, инсонни ўзлигини англашга ва ўзгага бўлган ижобий муносабатларга даъват этиб келган. Аммо ҳозирги глобаллашув шароитида дин билан боғлиқ муаммолар жаҳоннинг турли ҳудуд ва мамлакатларида нозик масалалардан бирига айланди.

Мамлакитимиз Президенти Ш.Мирзиёев 2017 йил 15 июнь куни Тошкент шаҳрида "Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби" мавзусида анжуманда мазкур масалага эътибор қаратиб, шундай деди: "Биз кўп жойларда жаҳолатга қарши маърифат ташаббуси билан чиқяпмиз. Муқаддас ислом динини ниқоб қилиб бошқа кўчаларга кириб кетаётган жоҳил кимсалар бир нарсани тушунмайди ёки тушунишни истамайди. Яъни, ислом фақат нурли ҳаётга, илм-маърифатга, яхшиликка ундайди. Ҳеч қачон хунрезлик, қотиллик, зўравонликка чақирмайди. Ана шу ҳақиқатни тан олмасдан, сохта ғояларга алданиб, зарарли оқимларга кириш, террорчи бўлиш – бу Ўзбекистон халқига мутлақо тўғри келмайди. Алҳамдулиллоҳ, ҳаммамиз мусулмонмиз, бунинг шукронасини қилиб, фарзандларимизни ҳам бундай неъматнинг қадрига етадиган инсонлар этиб тарбиялашимиз керак эмасми?" [2; 58 б.]. Шундай экан, ёшларнинг маънавий олами, маърифатини ошириш, диний ва дунёвий билимлар билан қуроллантириш, бир сўз билан айтганда, уларнинг тарбияга масъул эканлигини ҳар бир шахс ҳис этмоғи лозим. Шунинг учун ҳам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида "Ўзбекистон миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик соҳасида ўз анъаналарига доимо содиқ бўлиб, бу йўлдан ҳеч

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеясининг ялпи мажлиси томонидан муҳим бир ҳужжат – "Маърифат ва диний бағрикенглик" резолюцияси қабул қилинди. Ушбу резолюцияни қабул қилиш ташаббуси 2017 йил сентябрь ойида Бош ассамблеянинг 72-сессиясида Ўзбекистон томонидан илгари сурилган эди. Бизнинг таклифимизни Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлган 193 та давлат кенг қўллабқувватлагани жаҳон ҳамжамияти томонидан Ўзбекистоннинг саъй-ҳаракатларига берилган юксак баҳо ва эътироф сифатида барчамизга катта мамнуният ва ғурур-ифтихор бағишлайди", дея алоҳида таъкидлади .

**Назорат саволлари**

1. Жадидчилик ҳаракатининг ижтимоий-сиёсий жиҳатларини кўрсатиб беринг?
2. Жадидлар фалсафий ижод қиганми. Агар билсангиз асослаб беринг?
3. Жадидларнинг меросини ҳозирги замон фалсафаси ўрганишини тўғри деб ҳисоблайсизми?

4. Тоталитар мафкуранинг фалсафага таъсирини қандай баҳолайсиз?
5. XX асрда етишиб чиққан ўзбек файласуфларини санаб беринг?

## 4-Мавзу: «Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари» ўзбек фалсафасининг замонавий концепцияси.

1. **Ўзбек фалсафасининг асосий тараққиёт йўналишлари.**
2. **Ўзбекистоннинг мустақил демократик тараққиёт йўли. Миллий тикланиш босқичи ва унинг ўзига хос хусусиятлари.**
3. **Мамлакатимизда демократикислоҳотлар ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари.**

Фалсафий тафаккурнинг ижтимоий-сиёсий асослари мустаҳкам бўлиши зарурлиги тараққиёт жараёнида кўп бор исботланган ҳақиқатдир. Ҳар қандай жамият ва мамлакат халқнинг турли қатламлари, партиялар, миллий-этник бирликларнинг ижтимоий онгини ўзгартира олмаса, ўзининг пировардмақсадларини амалга ошириши қийин. Бугунги кунда жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзосига айланган Ўзбекистонда янги мазмун ва шаклдаги сиёсий тизим ҳамда тузилмалар вужудга келди. Буларнинг барчаси янги мазмундаги фалсафий дунёқарашни шакллантиришнинг ижтимоий-сиёсий асосларини яратди.

Фалсафий янгиланишда маънавий асослар ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Чунки бундай жараён мамлакатда амалга ошаётган маънавий соҳадаги ўзгаришларнинг таркибий қисмидир. Бу борада Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар, халқ маънавиятининг тозаланиши, асрлар давомида яратилган қадриятларни тиклаш, асраб-авайлаш, келажакка етказиш билан боғлиқ саъй-ҳаракатлар катта аҳамиятга эга. Бунда, айниқса, тарих фалсафаси, халқимизнинг хотираси, ўтмишдаги авлодлар яратган бой маданий меросдан тўла-тўкис фойдаланиш имконияти яратилганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Фалсафий янгиланишнинг ғоявий омиллари ҳам бор, яъни бу жараён мамлакатимиз тараққиётининг мафкуравий тамойиллари билан узвий боғлиқдир. Маълумки, мафкура жамиятдаги маънавий муҳит қандай эканини кўрсатиб турадиган энг асосий мезонлардан бири бўлса, фалсафа уни шакллантирадиган омиллар сирасига киради. Президентимиз асарларида таъкидлангани каби, мафкура бўлмаса, ҳар қандай миллат, жамият ўз йўлини йўқотиб қўйиши мумкин. Бугунги кунда мамлакатимизда миллий истиқлол ғоясини аҳоли онги ва қалбига сингдириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу жараён фалсафий

дунёқараш янгиланишининг асосий йўналишини белгилайдиган омиллардан бирига айланиб бормоқда.

Ҳозирги замонга, унинг шиддатли ўзгаришларига мос фалсафий дунёқарашни янада янгилаш зарурати бир қатор йўналишларда намоён бўлмоқда:

1.Аввало, бу мамлакатимизда демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёни билан узвий боғлиқ. Бунда ана шу янги жамият ҳақида, бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш жараёни, янги ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг қарор топа бориши, ислоҳотларнинг инсон манфаатларига хизмат қилиши, комил инсонни вояга етказиш давр талаби экани каби дастурий вазифаларнинг ҳаётийлиги тўғрисидаги ғояларни одамлар дунёқарашида қарор топтириш, уларнинг қалби ва онгига демократик қадриятларни муттасил сингдириб бориш зарур.

2.Фалсафий онгнинг янгиланиши моҳият эътибори билан мустақилликни мустаҳкамлаш, мамлакатимизнинг халқаро нуфузи ва алоқаларининг ўсиб бориши, тинчлик, осойишталик, миллий тотувлик, ҳамжиҳатликка хизмат қилувчи ғояларга таянади. Унинг ҳаётийлиги кўпмиллатли халқимиз иродасига, руҳиятига, миллий туйғулари, орзу- интилишларига мослиги билан белгиланади.

3.Албатта, фалсафадаги янгиланиш инсон, миллат ва Ватан манфаатлари, миллий қадриятларимиз руҳига мос ҳолда амалга ошмоқда. Бу эса, ўз навбатида, юртимизда кечаётган ислоҳотлар жараёни, давлатимизнинг сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий ҳаётидаги ижобий ўзгаришлар тўғрисида халқимизда тўғри тасаввур ва тушунчаларни муттасил равишда хосил қилиб бориш лозимлигини кўрсатади.

4.Фалсафий дунёқарашнинг янгиланиши тақозо этадиган энг муҳим вазифалардан бири ҳуқуқий қадриятлар, мақсад ва ғояларни амалга ошириш йўлида хизмат қиладиган тафаккур тарзини шакллантиришдир. Бу қонун устиворлиги ва шу соҳадаги мақсад ва ғоялар аввало инсон ва бутун жамият манфаатларини акс эттиргани боис, уларни маънавий ҳаёт тарзинингтаркибий қисмига айлантириш муҳим аҳамиятга эга.

Шу ўринда қабул қилинаёттан қонун ва қарорларнинг асл моҳиятини, уларда баён қилинган ғоя, хулосаларни кенг халқ оммаси онгига етказиш бениҳоя муҳим ва долзарб эканини таъкидлаш жоиз. Чунки демократик тараққиёт, фуқаролик жамияти ва маърифатли, баркамол инсон тушунчалари ўзаро боғлиқдир. Ҳуқуқий давлатни ҳам, маданий бозорни ҳам, маънавий соғлом жамиятни ҳам ана шундай кишилар ярата олади. Бундай авлодни вояга етказмай туриб, уларнинг онги ва қалбига миллий истиқлол ғояларини сингдирмай туриб, жамиятдаги янгиланишнинг асосий йуналишларини амалга ошириш тўғрисида фикр юритиш ниҳоятда қийин.

Демак, фалсафий дунёқарашнинг янгиланиши, бир томондан, моҳият эътиборига кўра, ҳар бир инсондан, унинг онги, тафаккури такомиллашувидан четда кечадиган жараён эмас. Иккинчидан эса, бу - умумжамият миқёсидаги ижтимоий онгнинг ўзгариш жараёндир. Шу маънода, у ҳам жамиятдаги бошқа ўзгаришлар каби, аввало, инсон учун, унинг манфаатларини амалга ошириш учун бўлаётган туб ислоҳотларнинг таркибий қисмидир. Бу жараёнда ўтаётган даврни, унинг мазмун-моҳиятини белгилайдиган улкан ўзгаришларни, бу ўзгаришларда иштирок этган субъектлар фаолиятини ўрганиш ва бундан хулосалар чиқариш муҳим тарбиявий аҳамиятга эга.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг иқтисодий, ижтимоий сиёсий, мафкуравий-маънавий соҳаларда тараққиёт ва янгиланишнинг ўзига хос ҳамда ўзига мос йўлини танлади. Республикамизнинг бозор иқтисодиётига ўтиш тажрибаси, «ўзига хос ва ўзига мос» тараққиёт йўли, истиқлолнинг дастлабки кунларидан бошлаб миллий анъаналаримизга асосланган янги давлатчилик назарияси, миллий тикланиш ғояси, истиқболда мўлжалланган стратегик масалалар, минтақавий ва халқаро сиёсат, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрни ва мавқеи каби долзарб масалалар ишлаб чиқилди. Шунингдек, Ўзбекистонда қурилаётган ҳуқуқий демократик давлат хусусиятлари, демократия ва халқ руҳияти, демократик тамойиллар ривожи, маданиятлар ва цивилизациялар синтези, фуқаролик жамияти тизимини шакллантириш йўллари, миллий мафкура зарурати ва унинг негизлари, миллий қадриятларни тиклаш, неча минг йиллик тарихимизни ўрганишнинг концептуал ғоялари асослаб берилди.

Маълумки, Ислом Абдуғаниевич ўз раҳбарлик фаолиятининг мазмунига айланган «Биздан озод ва обод Ватан қолсин!» деган эзгу ғояни илгари сурган ва бу шиор барчамизнинг, бутун халқимизнинг қалбидан чуқур жой олган эди. Улуғ йўлбошчи ана шу буюк вазифани ҳамма вақт, ҳар қандай вазиятда ҳам шараф билан адо этди, бу йўлда беқиёс куч-ғайрати ва ақл-заковатини, керак бўлганда ҳатто азиз жонини ҳам аямади. Кўпни кўрган халқимиз айнан Ислом Абдуғаниевич раҳбарлигида ғоят мураккаб тарихий даврда мамлакатимиз мустақилликка эришганини, миллий давлатчилигимизни тиклаш ва дунё ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаш, Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ишлаб чиқиш ва амалга татбиқ этиш, ҳаётнинг барча соҳа ва тармоқларини ислоҳ қилиш борасида улкан ютуқларни қўлга киритганини, буларнинг барчаси эркин ва фаровон ҳаётимиз учун мустаҳкам пойдевор бўлиб келаётганини ҳеч қачон унутмайди[2].

*Албатта жамият тараққиётининг муайян босқичларида ижтимоий ҳодисаларга муносабат хилма-хил тарзда намоён бўлади. Хусусан,*

---

[2] Мирзиёев Ш.М. Мустақил Ўзбекистон давлатининг асосчиси. // Ислом Каримов - Мустақил Ўзбекистон давлатининг асосчиси. –Т.: Ислом Каримов номидаги республика Хайрия жамоат фонди 2018. -10 б.

*мустаққиллигимизнинг биринчи кунидан бошлаб, ҳаётимизнинг барча жабҳаларида «қадриятлар», «миллий тикланиш», «миллий онг», «миллий ғурур», «миллий ифтихор» каби атамалар тез-тез ишлатиладиган бўлиб қолди. Бу бежиз эмас. Зотан, мустаққиллик, айни пайтда, миллий тикланиш ҳамдир. Уни эса мазкур тушунчаларсиз тасаввур этиб бўлмайди.*

Давлат ва жамият бошқаруви мураккаб жараён бўлиб, уни ташкил этиш ва бошқариш бўйича турли хил моделлар, бошқарув шакллари ҳамда йўллари ишлаб чиқилган. Инсоният томонидан минг йиллар давомида тараққийпарвар давлат, ―комил жамият‖ барпо этиш ғояси илгари сурилган. Шу асосда ўтган асрдан бошлаб жаҳон амалиётида ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини ташкил этиш бўйича амалиёт бир неча давлатлар тажрибасида қўлланилиб, ҳаётда ўз самарасини берди.

Бугунги кунда эса ўз суверенитетига эга бўлган кўпгина мамлакатлар учун бундай йўл энг мақбул мақсадга айланди. Дунё халқлари янги давр тарихини кузатсак, уларнинг кўпчилиги ўз миллий мустақиллиги учун курашни ўз она тилига давлат тили мақомини бериш учун курашишдан бошлаганлигини кўрамиз. Ҳиндистон, Покистон, Бангладеш каби Англиянинг, Африкадаги Франциянинг, Америкадаги Испаниянинг мустамлакалари бўлган давлатларда она тилига давлат тили мақоми бериш учун курашлар йиллар давом этган. Аммо, афсуски, уларнинг барчаси ҳам ҳали ҳануз ўз ниятига эришган эмас. Шунинг учун бу қонунни мустақиллигимиз йўлидаги дастлабки қадамлардан бири сифатида, улкан сиёсий, тарихий воқеа сифатида эътироф этишимиз, унинг қадрига етишимиз шарт. Ўтган йилларга назар ташласак, миллий тилимизга муносабат ва эътиборнинг қанчалик ўзгарганлигига гувоҳ бўламиз. *Ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши халқимизнинг истиқлолга эришиш, шу юртда яшаётган, унинг ривожи, истиқболи учун жон куйдираётган ҳар бир инсоннинг орзу-умидларини рўёбга чиқариш йўлидаги муҳим қадамлардан бири бўлди. Зеро, ўзликни англаш, миллий ифтихор ҳиссининг шаклланиши миллат тилининг мустақиллиги, эркинлиги билан боғлиқлиги ҳеч кимга сир эмас.*

Миллий тикланиш — у ёки бу миллат ҳаётида содир этиладиган, зўравонлик йўли билан унинг авлод-аждодлари томонидан яратилган мерос, урф-одатлар, анъаналар, қадриятлардан маҳрум этилган, тарихий хотираси топталган, миллий ўзликни англаши чекланган, манфаатлари, мақсадлари, паймол этилган, тарихий тараққиётнинг маълум босқичига келиб эса ўз мустаққиллигини қўлга киритиш натажасида миллий ривожланиш борасида ана шу бой берилган имкониятлардан фойдаланиш, яратилган барча моддий ва маънавий бойликларнн миллий ривожлантиришга йўналтиришга қаратилагн умуммиллий фаолиятдир. Миллий тикланишнинг асосий йўналиши тарихий тараққиётнинг маълум босқичида у ёки

бу миллат томонидан миллий тараққиёт борасида бой берилган имкониятларини мустақилликни қўлга киритиш шарофати билан яна миллий ривожланишнинг асосий манбаига айлантириш борасидаги умуммиллий ва миллий ўзликни англаш жараёни фаолияти билан боғлиқдир.

Сиёсатшунос олимлар мустақиллик даври ривожланиш босқичларини шартли равишда компенсация, адаптация, интеграция ва инновация даврлари сифатида таҳлил қилишган. Жумладан, дастлабки, **компенсация ва адаптация** даври (1991-2000й.) – ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиясини амалга оширишга қаратилган давр бўлиб, тўлдириш, таъминлаш, қоплаш, мослашиш, мувофиқлашиш, кўникма ҳосил қилиш маъноларида қўлланилади. Бу даврдаги ислоҳотларнинг асосий мақсади собиқ иттифоқ парчаланиши оқибатида марказлашган маъмури бўйруқбозлик бошқарувига, коммунистик монопол зуғумга айланган мафкурага хотима ясалиши натижасида мамлакатда ҳар томонлама юзага келган бўшлиқни тўлдиришдан иборат эди. Бу босқичлар икки даврий жараёнлар кесимида кузатилади. Биринчиси, бу миллий давлатчилик асосларининг жорий этилиши, сингдирилиши, такомиллашиб ҳаётга тадбиқ этилиш жараёнлари – **компенсация** даврини ўз ичига олса, иккинчи даврий жараён давлат бошқарув механизмлари белгиланган ислоҳотларни амалга ошириш имконияти ва самардорлигини амалда рўёбга чиқариши, айни пайтда, фуқаролар онгида янги қадриятларнинг қарор топиши, мустақиллик ғояларининг фаол эҳтиёжга айланиши каби ўзгариш ва мослашувлар жараёни – **адаптация** даври ҳисобланади.

**Интеграция** даври (2001-2007). ―Интеграция‖ атамаси бирлашиш, қўшилиш, сингиш, умумжаҳон тараққиёти жараёнларига мувофиқ қадам ташлаш каби маъноларни қамраб олади. Жумладан, бу тушунча давр чақириқларига муносиб жавоб бериш, илм-фан ва технология янгиликларини амалий ишлаб чиқаришга татбиқ этиш орқали илғор мамлакатлар сафидан жой олишга эришиш мазмунида қўлланилади. Айни пайтда ривожланган давлатлар тажрибасини амалда татбиқ этиш миллий иқтисодиётнинг умумжаҳон тизимига кириб боришига хизмат қилди.

**Инновация даври** мамлакатимизда 2007 йилдан ҳозирги кунгача давом этиб келаётган учинчи босқич ҳисобланади. Ушбу даврнинг ўзига хос хусусиятлари Ўзбекистоннинг демократик ислоҳотлар йўлида янги тараққий этган индустриал ривожланиш босқичига қадам қўйиши билан белгиланади. Бу давр жаҳон тажрибалари ҳамда синовларидан ўтган, бозор иқтисодиётига асосланган демократик давлат ва жамият бошқарувининг энг илғор тамойилларини татбиқ этишга қаратилган янги босқични бошлаб берди.

## Назорат саволлари

1. Ўзбек фалсафасининг асосий тараққиёт йўналишларини кўрсатиб беринг?.

2. Ўзбекистоннинг мустақил демократик тараққиёт йўлида янги фалсафий тафаккурни ривожланишини нималарда кўринади?
3. Миллий тикланиш босқичи ва унинг ўзига хос хусусиятлари нимада?

Мамлакатимизда демократик ислоҳотлар ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини санаб беринг?.

# IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАТЕРИАЛЛАРИ

**(жами 10 соат)**

Амалий машғулотлар ижтимоий фан йўналиши бўлганлиги сабабли семинар тарзида ўтказилади ҳамда қуйида бериладиган саволлар ва уларнинг жавобларини замонавий педагогик технологияларини қўллаган ҳолда бажаришни тақазо этади.

**1-амалий машғулот**

Инсоният яратган маънавий бойликлар орасида фалсафа илмида тўпланган хикматлар хазинаси, атоқли файласуфлар мероси, уларнинг асарлари муҳим ўрин тутади. Ҳар бир даврнинг донишмандлари ўз юрти ва халқининг тафаккури, руҳияти ҳамда орзу интилишларини фалсафий таълимотларида ифода этганлар, жамият фаровонлиги ва миллат равнақи учун хизмат қиладиган ғояларни ўртага ташлаганлар. Халқни буюк мақсадлар сари етакловчи ғояларнинг муайян давр мафкурасига айланишида фалсафий билимлар катта аҳамият касб этади. Шу маънода, миллатимизнинг даҳолари ҳисобланган машҳур алломаларнинг ҳаётбахш ғояларини ва ўлмас асарларини ўрганиш, тарғиб-ташвиқ қилиш том маънода миллий ўзликни англашга беқиёс хизмат қилади.

Умуман, биз яшаётган дунё сўнги йилларда ниҳоятда ўзгариб кетди. Хусусан, Ватанимиз тарихида XX асрнинг 90-йилларида оламшумул ҳодисалар юз берди. Мамлакатимиз мустақилликка эришиб, ўзига хос тараққиёт йўлини танлади, ривожланишнинг «ўзбек модели»ни амалга оширишга киришди. Халқимизнинг ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш зарурати дунёқарашни тубдан ўзгартириш, шўролар даврида ҳукм сурган ақидалардан воз кечиш, миллий истиқлол ғоясини халқимиз онги ва қалбига сингдириш, шу асосда миллий маънавиятни юксалтиришни тақозо этмоқда. Бунда ижтимоий фанлар, хусусан, фалсафий фанлар ривожи катта аҳамият касб этади. Зеро, Биринчи Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, «Кўп асрлик тарихимиз шуни кўрсатадики, инсон дунёқарашининг шаклланишида маърифатнинг, хусусан, ижтимоий фанларнинг ўрни беқиёс. Бу жамиятшунослик бўладими, тарих, фалсафа, сиёсатшунослик бўладими, психология ёки иқтисод бўладими - уларнинг барчаси одамнинг интеллектуал камолотга эришувида катта таъсир кучига эга»[1].

Алоҳида таъкидлаш лозимки, Европа ва собиқ иттифоқнинг минтақамиздан бошқа ҳудудларида яшайдиган мутахассисларнинг фалсафа тарихига бағишланган китоб, рисолаларида гап, асосан, Ғарб мутафаккир ва олимлари мероси, уларнинг гносеологияга қўшган ҳиссаси тўғрисида боради. Бунда Сукрот, Платон, Аристотель, И.Кант, И.Гегель, Ф.Ницше, З.Фрейд ва бошқаларнинг номлари тилга олинади. кўплаб оқим ва таълимотлар ушбу олимлариинг номи, таълимоти ҳамда

---

[1] Қаранг. Ислом Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. 8-жилд. Т.: «Ўзбекистон», 2000. 504-бет.

асарлари билан боғлиқ ҳолда шаклланган. Уларнинг фалсафага қўшган ҳиссалари хилма-хил, аммо бу соҳада аҳамиятга молик хизматлари ва фалсафани бойитган фикр-мулоҳазалари куп. Биз уларнинг фанга қўшган ҳиссаларини инкор этмоқчи ёки камситмоқчи эмасмиз.

Аммо Ўзбекистондаги илм-фан, жумладан фалсафа ривожи ҳам ўзининг узоқ ва шонли тарихига эга, унинг анъаналари олис ўтмиш, асрлар қаъридан бошланади. Ўрта Осиё минтақасида бу масалага оид илмий қарашлар такомили етарли даражада ўрганилмаган.

Юртимизда яшаган алломалар ижодида фалсафа масалалари қай тариқа ёритилганлигини таҳлил қиламиз. Асосий мақсад - тарихий тадқиқот эмас, балки масалани фалсафий тамойиллар билан боғлиқ тарзда қўйилиши ва таҳлил қилинишидир. Бу борадаги интилиш «Осиёцентризм» тарзида эмас, балки авлод ва аждодларимиз яратган фалсафий меросни инсоният тафаккурининг таркибий қисми сифатида холисона ўрганишга ҳаракат қилишдан иборатдир.

Ҳозирги даврда ўзининг миллий фалсафаси ва тараққиёт моделини уйғунлаштириш, шу орқали ривожланишининг янги бочқичга кўтарилишига ҳаракат қилаётган халқлар ва давлатлар кўп. Бу борада муайян тажриба ҳам тўпланган. Бугунги кунда хитой фалсафаси, ҳинд фалсафаси, юнон фалсафаси, инглиз фалсафаси, француз фалсафаси ёки немис фалсафаси атамаларига ўрганиб қолганмиз. Бу фалсафа мактабларининг ҳар бири инсоният цивилизацияси ҳақида ўзига хос ёндошувлари қатори ўз халқининг бетакрор қиёфаси, миллий анъаналари, менталитети ва маънавиятини акс эттириши билан ана шундай эътирофга сазовор бўлган.

Мустақилликка эришганимиздан кейин ана шу бой фалсафий меросимиз “Ўзбек фалсафаси” деган номи билан қайта тикланиб, янги маъно-мазмун касб этди ва ҳозирги такомил босқичига қадам қўйди. Фалсафанинг аслиятига қайтиши, собиқ иттифоқдан қолган оқибатларнинг аста-секин бартараф этилиши, инкор ва янгиланиш, ўзгариш ва ривожланиш тамойиллари билан боғлиқ бу жараён мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг таркибий қисмига айланди.

Ўзбек фалсафаси тушунчаси халқимизнинг фалсафий тафаккури. Онги ва дунёқарашининг ривожланиш босқичлари, тушунча ва категориялари, маънавий тамойиллари ва ўзига хос хуссиятларини ифодалайди, қадимги замонлардан шаклланиб бугунги кунгача етиб келган илмий-фалсафий мерос, у билан боғлиқ жараёнлар, шу соҳадаги ғоялар, назария ва таълимотлар мажмуни англатади. Бундан ташқари, у мустақилликка эришган халқимизнинг тараққиёт йўли ва ривожланиш тамойиллари, демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнининг фалсафий, маънавий омиллари, амалга оширилаётган бунёдкор ишлари таъсирида аҳолининг онги ва тафаккурида рўй

бераётган ўзгаришларни ҳам ўзида акс эттиради.

Марказий Осиёда вужудга келган қадимги фалсафий таълимотлар, улар илгари сурган ғоялар бугунги кунда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Санаб ўтилган қадимги фалсафий таълимотлар яъни зардуштийлик, унинг бош китоби – “Авесто”, Моний таълимоти “Моний ёзуви” , маздакийлик ҳаракати жамиятда адолат, эркинлик, тенг ҳуқуқлилик тамойилларини қарор топтиришга даъват этган. Шу маънода, ватанимизнинг ўша даврда шаклланган ва ривожланган бой маданияти, миллий маънавиятимиз, фалсафамиз жаҳон фалсафий тафаккури ривожига катта таъсир кўрсатган.

Яна шуни таъкидлаш керакки, Зардушт дини ва кейинчалик унинг асосида пайдо бўлган Моний дини кўпхудоликдан яккахудоликка ўтган даврини белгилаб берган динлар эди. Яъни бизда исломгача яккахудолик ҳақидаги ақидалар шаклланиб бўлган эди. “Авесто” яна шунга гувохлик берадики, унда инсониятнинг олам тузилиши, табиат ва унинг неъматларидан фойдаланиш йўриқлари, инсон ахлоқи, жамият тизими, инсоннинг орзу-армонлари, ўзини ва оламни билиш қобилияти бир бутун холда шакллана бошлади. Одамларнинг муқаддаслик, рух, жон, фаришта, тана, тупроқ, сув, олов ҳақидаги тушунчалари ифодаланди. Яъни мифологиядан динга ўтиш ва динлар асосида бир тизимли фалсафий дунёқараш, амалиётда эса шу дунёқараш асосида қонун-қоидалар ишлаб чиқиш йўлга қўйилди. Шу боис ҳам зардуштийлик дини нафақат Марказий Осиё халқлари тарихида, балки умуминсоният тарихида тафаккурий – эътиқодий ва амалий-ижтимоий юксалиш эди. Кўпгина олимлар фикрига кўра, Зардушт- буюк мутафаккир инсон, забардаст шоир бўлган. Унинг қарашлари ислом дини кириб келгунга қадар ўзига хос аҳамиятга эга бўлган.

Яна шуни таъкидлаш керакки. юртимиз халқлари цивилизацияси, онги ва тафаккури, миллий қадриятлари араб дунёси, маданияти ривожига ҳам катта таъсир кўрсатгани шубҳасиз. Хоразмий, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Улуғбек каби мутафаккир олимлар, Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Нажмиддин Кубро, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд каби илоҳиёт илмининг забардаст алломалари, Лутфий, Юсуф Хос Хожиб, Навоий, Бобур, Бедил, Машраб каби улуғ зотларнинғ камолотида нафақат исломий тафаккур, балки цивилизациямиз маданияти ва қадриятлари таъсири беқиёсдир. Уларнинг ислом фалсафасига, уни замона зайллари орасидан ўтиши жараёнига таъсири тўғрисида махсус тадқиқотлар олиб бориш мумкин. Замонавий ислом илоҳиётчклари Ал-Бухорий асарларини «Қуръон»дан кейинги манба сифатида тан олгани, Ат-Термизий, Замахшарий, Яссавий, Нақиь банд ва бошқа алломаларимиз меросини қадрлашк бежиз эмас. Ҳозирги даврда фалсафа тарихи бўйича баъзи мутахассислар суҳбат ва баҳсларда Ал-Бухорий, Термизий, Кубро ва бошқалар ижодида соф фалсафий

мавзулар, масалан, онтология ва гносеология масалалари қараб чиқилмаган, деган фикрни билдирадилар. Бу фикрга қўшилиб бўлмайди. Балки, фалсафанинг ғарбча талқинидаги онтолоғия ва гносеология масалалари бу мутафаккирлар меросида алоҳида, махсус мавзу тарзида қараб чиқилмагандир. Аммо, мазкур масалада хам халқимизнииғ «Излаган топади» деган ҳикматли сўзига амал қилиш лозим. Бу борада Иброҳим Мўминовнинг Бедил ижодига бағишланған асари ёки Омонулла Файзуллаевнинг Ал-Хоразмий фалсафий мероси ҳақидаги китоби ва Ал-Фарғоний тўғрисидаги мақолалари ибрат бўлиши мумкин. Қолавсрса, юқорида номлари тилга олинған алломалар ўз даврида кенг тарқалган табиий-илмий билимлардан хабардор бўлганлар, уларни ўрганганлар, ушбу билимларга таяниб, ўзларининг ижтимоий-фалсафий қарашларини баён қилганлар. Улар ўша даврнинг онтологик ва гносеологик тушунча ҳамда тамойилларини муайян ҳақиқатлар сифатида қабул қилганлар ва ўз асарларида қўллаганлар. Араб халифалиги VIII-IX асрда Осиё, Африка ва Европанинг бир қисмини эгаллаган улкан империяга айланган эди. Ягона муомала тили араб тили эди. Барча мадрасаларда шу тилда таълим олиб борилarди, илм-фан ҳам араб тилида яратиларди. Бу хол турли ўлкалар, халқлардан етишиб чиққан олимлар, зиёлийларнинг ўзаро мулоқот олиб бориши, таҳсил олиши, фан ютуқларидан ўзаро баҳраманд бўлишлари учун қулай шароитни вужудга келтирарди.

Илм-фан, маънавиятга эътибор Ғазнавийлар, Қорахонийлар хукмронлиги даврларида ҳам давом этган. Айниқса Хоразмда шоҳ Маъмун даврида барпо этилган “Дорул улум”нинг тарихий аҳамияти беқиёсдир. Дунё илм-фан тарихида у “Хоразм Маъмун Академияси” номи билан машҳур. Абу Райҳон Беруний, Мусо ал-Хоразмий,  Ибн Сино каби кўплаб алломалар ана шу илмий муҳитнинг натижасида тарбияланган исбот талаб қилмайди.

Муайян бир минтақада маълум бир давр ичида тушкунликда бўлиб, сўнгра юксакликка эришилган ҳолат ғарб тилларида одатда ренессанс, бизда эса уйғониш даври дейилади. Юртимиз тарихида IX – X асрлар буюк, қудратли **Уйғониш даври** эди. Демак, инсоният тарихидаги улкан уйғониш даврларидан бири бизнинг мамлакатимиз, минтақамизда рўй берган ва бу юксалиш аждодларимиз орқали бутун башариятга тегишлидир.

Ушбу давр фалсафаси фалсафий тафаккури мамлакатимизда ислом динининг тарқалиши ва қадимги юнон фалсафий меросини ўрганишга қизиқишнинг ортиши билан узвий боғлиқдир. Бу давр £арбда фалсафа, фан ва санъат тушкунликка юз тутган бир вақтда Шарқда қадимги Юнон илғор фалсафий, табиий-илмий анъаналар ва азалий маҳаллий анъаналар негизида маънавий ҳаёт юксак ривожланган даврдир. Бу Амударё ва Сирдарё бўйларида яшаган халқимизнинг даҳоси энг юксак даражага кўтарилган, унинг атоқли намояндалари жаҳон

маданияти саҳифаларига ўзларининг ўчмас номларини муҳрлаб кетган давр фалсафасидир.

**Берилган матндан қуйидаги саволларга жавоб беринг.**

1. Ўзбек фалсафасини предметини атинг?
2. Ўзбек фалсафасини нечта такомил босқичи мавжуд?
3. Миллий давлатчилик ва фалсафий тафаккурнинг ўзаро нисбати қандай?
4. Дунёқарашнинг асосий тарихий шаклларини таърифланг.
5. Нима учун фалсафа тарихида фикрлар ранг-баранглиги меъёр ҳисобланади?
6. Айрим инсоннинг яхлит фалсафий дунёқараши фалсафий плюрализм асосида қандай шаклланади?
7. Фалсафа тарихида «фалсафанинг асосий масаласи»га таъриф бериш қандай амалга оширилган?
8. Ҳозирги дунёда фалсафа қандай вазифаларни ҳал қилмоқда?

10. Мустақиллик давридаги “Фалсафанинг сиймоси”ни кўрсатинг

**Амалий машғулотни ўтказиш тартиби:**

1. Тингловчи берилган ҳар бир савол бўйича ўз фикрини баён қилади;
2. Қўйилган саволни қандай қилиб қулай ўқитиш методлари ҳақида таклиф беради;
3. Берилган таклиф бўйича бир нечта мисоллар кўрсатади;
4. Таклиф қилинаётган замонавий таълим методининг самарадорлигини исботлайди.

## 2-амалий машғулот.

Ҳозирги кунда жаҳон тараққиётида шаклланган янги умумсайёравий тартиб, тамаддуннинг мазмун-моҳияти, давлатлар ва кишилар ўртасидаги ўзаро алоқаларининг кенгайиши ва мураккаблашиши, дунё миқёсида ахборот макони, капитал, товар ҳамда ишчи кучи бозорида тамоман янги вазият вужудга келиши, атроф-муҳитга техноген таъсирнинг кучайиши, ахборотмафкуравий ва диний-экстремистик хуружлар хавфининг ортиб бориши, жамият ҳаётининг барча соҳалари, иқтисодиёт, сиёсат, мафкура, маданият, ҳатто шахсий турмуш тарзини ҳам глобаллашув жараёни билан боғлашмоқда. Юқорида таъкидланганидек глобаллашув жараёнлари жамият ижтимоий-иқтисодий ривожининг барча жабҳаларини қамраб олиб, унинг кўринишлари инсон ҳаётининг турли соҳаларига ўз таъсирини кўрсатиб келмоқда. Бундай таъсирни, яъни глобаллашув соҳалари ва унинг кўринишларини Эдуард Азроянц умумий тарзда қуйидагича ифодалайди[3].

Глобаллашув жараёнлари жамият ижтимоий-иқтисодий соҳаларининг барча жабҳаларига ўз таъсирини ўтказиб, уларнинг ўзгариши ва ривожланишига олиб

[3] Азроянц Э. Глобализация: катастрофа или путь к развитию. –М.: Новый век, 2002. –С.316

келаётганлигини кўрсатмоқда, жумладан:

- технология соҳасида дунё миқёсида маҳсулотлар ишлаб чиқаришни монополлаштирувчи молиявий жараёнларни келтириб чиқараётганлиги, халқаро майдонда молиявий компютер тармоғи орқали дунёнинг бир бурчагидан бошқасига исталган микдорда маблағнинг ўтказилиши, халқаро майдонда рақобатни ривожлантирувчи метатехнологияларнинг ривожланиши (космик йўлдош, компьютер, уяли телефон, интернет ва ҳ.к.) билан белгиланиши;

- экология соҳасида, иқтисодиётнинг ривожи учун ер ресурслари (энергетик ва хом ашё заҳиралари)дан фойдаланиш, бунинг эвазига инсоният ҳаётига хавф туғдираётган табиат ва атроф-муҳит ҳолатининг кескин ёмонлашуви, биосферага техноген таъсирларнинг кучайиши, жонивор ва ўсимлик турларининг йўқолиб кетиши;

- иқтисодиёт соҳасида, дунё миқёсида трансмиллий корпорацияларнинг шаклланиши, иқтисодиётнинг минтақавийлашуви, жаҳон миқёсида савдо ва хизматларнинг жадаллашуви;

- маданий соҳада, оммавий маданиятнинг ривожланиши, айниқса, мусиқа, кино, театр, шоу-кўрсатувлар, кийиниш, оммавий-ахборот воситалари фаолиятларининг бир хиллашуви, турли халқлар маданиятининг ўзаро таъсири, бир-бирини бойитиши туфайли маданиятлараро алоқаларнинг мустаҳкамланиши ва янги замонавий анъаналарнинг шаклланиши ва ҳ.к.лар

Бугунги кунда фалсафий тафаккурнинг янгиланиши ҳар бир жамият аъзосининг ижтимоий қиёфаси, руҳий дунёси, мақсад ва эҳтиёжларининг ўзгариши баробарида жамият тафаккурининг ўзгаришида намоён бўлмоқда. Инсоннинг фалсафий тафаккур тарзи ва йўналишига таъсир кўрсатадиган, ғоявий-назарий роль ўйнайдиган тасаввурлар мавжудки, улар методологик тамойилларда мужассамлашган. Дарҳақиқат, фалсафа турли даврларда дунёнинг турли мамлакатларида тўпланган билимларни, тажрибаларнинг якунларини умумлаштиради, яқинлаштиради ва бирлаштиради. Шу асосда, фанларнинг яқинлашуви, муаммоларнинг муштараклашуви инсоният илмий ва амалий фаолиятининг кенгайиши учун янги имкониятларни юзага келтиради. Инсон бу тафаккур орқали ўз моҳияти, жамият, табиат ҳақида тизимли билимлар кўникмасини ҳосил қилиш билан чекланмай, улар асосида илмий тафаккур ривожи, амалий фаолият учун муҳим бўлган умумий хулосалар чиқаришга ҳам интилади. Натижада фан учун янги кашфиётлар дунё юзини кўради. Бу эса фаннинг такрорланмас ютуғидир. Сир эмаски, ҳозирги даврда фалсафа фанига бўлган қараш кескин ўзгариб бормоқда. Ёшларнинг мафкуравий иммунитетини шакллантириш, уларнинг дунёқарашини тарбиялаш ва дунёга муносабатини такомиллаштириб бориш бугунги куннинг долзарб масалалари қаторига киради. Чунки ёш авлод эртанги кунимиз

давомчиларидир.

Шу маънода, ёшларда ижтимоий фаоллик позициясини шакллантиришда фалсафа ва унинг роли ҳамда аҳамияти хусусида тўхталиб ўтар эканмиз, унинг қуйидаги жиҳатлари аҳамиятга молик:

биринчидан, фалсафий билимлар билан озиқланган ёшларда фалсафий дунёқараш, ижтимоий фаоллик позицияси шаклланади, уларда оламга, воқеа-ҳодисаларга, атрофини ўраб турган жамият аъзоларига бўлган онгли муносабат шаклланади;

иккинчидан, ёшларда фалсафий билимлар натижасида ҳар қандай муаммоли вазиятларда ҳам ўзини ўзи бошқара олиш қобилияти ривожланиб, ўсиб боради;

учинчидан, фалсафа ўзининг ёндаш, яъни унинг тармоқлари билан биргаликда ёшларда ахлоқий сифатларни "Этика" фани орқали, гўзаллик, нафосат, нафислик сингари тушунчаларни "Эстетика" фани орқали, жамият, инсон, ижтимоий тараққиёт ва унинг қонуниятларини ижтимоий фалсафа орқали тушунтиради, униб-ўсиб келаётган баркамол ёшлар онгида универсал табиатга эга бўлган дунёқараш ривожланишида бирламчи аҳамият касб этади;

тўртинчидан, фалсафа умуминсоний қадриятлар шаклланишида ҳам ўз ҳиссасини қўша олади. Демак, ҳар қандай муаммо-масалани фалсафий таҳлил қилишда, шунингдек, бу борадаги илмий тадқиқот ишларини баҳолаш ва уларга қўйиладиган талабларни белгилашда юқоридагиларга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Бундан ташқари, фалсафанинг қуйидаги вазифалари ҳам мавжуд бўлиб, у нафақат ёшлар, балки бутун кишилик жамиятига ҳам тааллуқли: у кишиларда олам ҳақида бир бутун дунёқарашни шакллантиришга қаратилган.

Фалсафа методологик вазифани ҳам адо этади, у барча фан вакилларини илмий билишнинг асосий шакллари, усули ва тамойиллари билан қуроллантиради. Шунингдек, фалсафа гносеологик, аксиологик, гуманистик тарбиявий вазифаларни бажаради. Шу билан бирга, у шахсда жамият, инсоният олдидаги ижтимоий масъулият ҳиссини уйғотади. Фалсафанинг айнан мана шу вазифаси миллий ғоямизнинг – озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон турмуш тарзини барпо этиш сингари бош ғоясини ҳаётга тадбиқ этишимизда катта хизмат кўрсатади. Чунки халқ фаровонлиги, юрт тинчлиги, ватан тараққиёти йўлида илдам ҳаракат қилиши керак бўлган ҳар бир комил инсоннинг тарбиясида айнан ижтимоий масъулият ҳисси жамият тараққиётини мустаҳкамлашда, унинг ривожланиш қонуниятларини тўғри белгилаб олишимизда дастуруламал бўлиб хизмат қилади. Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, "Бунинг учун ўзини жамиятимиз, ёшларимиз маънавияти, ғоявий-мафкуравий тарбияси учун масъул деб билган инсонлар – бу маҳалла ёки диний ташкилотлар бўладими, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ёки катта таъсир кучига эга ижодкор зиёлилар бўладими – уларнинг барчаси,

айниқса, фаол бўлишлари лозим".

Хулоса қилиб айтганда, ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда, аввало, кўплаб ислоҳотлар амалга оширилаётганлигини инобатга оладиган бўлсак, бу борада ҳали ўз ечимини кутаётган масалалар ҳам мавжуд. Ўз ўрнида ушбу масалаларни ҳал этишда буюк аждодларимиздан мерос бўлиб қолган нодир қўлёзмаларда ёзилган илмий-фалсафий мерослардан тўғри ва самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Зеро, эртанги порлоқ келажагимизни барпо этишда салоҳиятли ёшларни тарбиялаш долзарб аҳамият касб этувчи доимий масалага айланмоғи даркор.

Глобаллашув жараёни энг илғор, янги технологиялар асосида ишлаб чиқаришни техник қайта жиҳозлаш, тезкор замонавий коммуникация ва алоқа тизимларининг ривожланиши, илмий, техник ва бошқа, одамлар ҳаётфаолияти учун зарур бўлган ахборотни жамлаш ва тақсимлаш, мисли кўрилмаган меҳнат унумдорлигини таъминлаш учун қулай шароит яратиб, бу борада чекланмаган имкониятларга йўл очмоқда. Бу эса ўз навбатида турли мамлакатларнинг ўзаро яқинлашувига, жаҳон ижтимоий ҳаёти тизимига интеграциялашуви жараёнларини фаоллаштиришга хизмат қилмоқда. Бироқ глобаллашув кишилик тамаддуни тараққийсининг табиий меваси эканлиги ва уларнинг ижобий жиҳатларини инкор этмаган ҳолда ҳозирги дунёда бир қатор ихтилоф ва зиддиятларни келтириб чиқараётган жиҳатларини ҳам эътибордан қочириб бўлмайди. Бу ҳақда фикр юритганда, аввало, маданият ва унинг бош томирини ташкил этган маънавий-ахлоқий қадриятларни асраб-авайлаш долзарб аҳамият касб этаётганини таъкидлаш лозим. Чунки бугунги кунда улар ҳар қандай мамлакат, жумладан, Ўзбекистон учун олға ҳаракат қилишнинг самарали шарти, жамият маънавий-ахлоқий соғломлигининг кафолати, кучли давлат сифатида жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашда мустаҳкам таянч бўлиб хизмат қилади.

Ҳаракатлар стратегиясининг "Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш", деб номланган бешинчи устувор йўналишига муносабат билдирар экан, фалсафа фанлари доктори, профессор И.Саифназаров инсон эътиқодини шакллантирувчи уч омилини кўрсатиб ўтади:

- инсон ҳаётининг мақсади ва мазмунини англатадиган, ҳаётий дунёқарашини белгилайдиган, халқимизнинг буюк ва қадимий меросида ифодаланган гуманитар билимлар;
- шахснинг интеллектуал салоҳиятини юксалтирадиган ва чуқурлаштирадиган, таълим жараёнларини баҳолашнинг энг холис йўлларини, тамойилларини, усулларини шакллантирадиган илмий-назарий, ижтимоий-фалсафий билимлар;
- ўзга халқлар ҳаёти, маданияти, маънавияти, дунёқарашини ўргатадиган, уни ўзи мансуб миллий маданият билан таққослаб, ҳар бирининг муносиб ўрнини

англашга имкон берадиган ҳозирги замон илғор ижтимоий билимлар.

**Берилган матндан қуйидаги саволларга жавоб беринг.**

1. Глобаллашув жараёни тўғрисида қандай замонавий ёндашувлар мавжуд?
2. Янгича тафаккур шаклланишида фалсафанинг ўрнини қандай баҳолайсиз?
3. Маданиятлараро мулоқот-глобаллашув жараёнининг муҳим шартими?

**Амалий машғулотни ўтказиш тартиби:**

5. Тингловчи берилган ҳар бир савол бўйича ўз фикрини баён қилади;
6. Қўйилган саволни қандай қилиб қулай ўқитиш методлари ҳақида таклиф беради;
7. Берилган таклиф бўйича бир нечта мисоллар кўрсатади;
8. Таклиф қилинаётган замонавий таълим методининг самарадорлигини исботлайди.

## 3-амалий машғулот

Ҳар қандай фалсафий тадқиқот муаммо доирасини ва илмий категорияларни, объектнинг ички ва ташқи функционал хусусиятларини тизимли белгиларини аниқлаб олишдан бошланади. Мазкур хусусиятлар ва белгиларни аниқлаб олмаслик эклектизмга, объект доирасини беҳад кенгайиб кетишига олиб келади. Х.Г.Гадамер айтганидек, тадқиқотга оид тушунчаларни аниқлаш объектнинг "маънавий эволюциядаги ўрни қанчалик чуқур" эканини билишга ёрдам беради. Бизнинг тадқиқотимиз учун шундай тушунчалар, категориялар "жадид", "жадидчилик", "маърифат", "маърифатчилик" ҳисобланади. Жадидчилик маърифий, ижтимоий-сиёсий ҳаракат сифатида пайдо бўлишининг асосий сабаби бевосита Туркистоннинг ички муҳитининг феномени бўлиб, Россия империясининг XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Ўрта Осиёни истило қилиши билан ва бунинг натижасида вужудга келган мудҳиш ижтимоий-сиёсий вазиятнинг маҳсули бўлди. Жадидчилик ҳаракатининг вужудга келишининг объектив ва субъектив сабабларини ёритишимизда ўша даврнинг манбалари ҳисобланган ўзлари жадидчи ва жадидчиликка хайрхоҳ бўлган маърифатпарвар кишиларнинг жумладан, Аҳмад Донишнинг "Наводир ал-вақое" ("Нодир воқеалар") ҳамда "Рисолаи тарихи амирон манғит" ("Манғит амирлари тарихи ҳақида рисола") асарларида, тарихчи Мирза Муҳаммад Абдулазим Сомий Бўстонийнинг "Тарихи салотини манғитийа дор уссалтанаи Бухорои шариф" ("Бухоро шариф салтанатидаги манғит ҳукмдорлари тарихи"), тарихчи Мирзо Салимбек ибн Муҳаммад Раҳимнинг "Тарихий Салимий" асарларига таяниб, ва Абдурауф Фитратнинг икки асари "Мунозара" ва "Баёнати сайёҳи ҳинди" асарлари асос бўлиб хизмат қилди.

Чоризмнинг босқинчилик ҳаракати ўлкамизни мустамлакага айлантириш

билан чегараланиб қолмай, маҳаллий аҳолининг маданияти ва маънавий асосларига путур етказишга ҳам қаратилганлиги унинг сиёсати давомида ўз аксини топиб борди. Туркистон мустамлакачилари маҳаллий халқларни ўта қолоқликда ушлашни ўзларига шиор қилиб олган. Уларнинг кўрсатмаси билан халққаиложи борича мумкин қадар кўпроқ пахта эктириш, уларни тинимсиз ишлашга мажбур этиш, токи бу халқнинг бошқа нарсаларни ўйлашга, сиёсий воқеаларни англаб етишга бир зум ҳам вақти, хоҳиши қолмаслигини доимо назарда тутиб келган

Биз жадидчилик ҳаракатининг мазмун-моҳияти ҳақида гапиришдан олдин тарихимиз саҳифаларида “оқ доғлар” деб аталадиган бу ҳаракатнинг асл моҳиятини, мақсад-муддаоларини холисона ўрганиш ва баҳолаш ўз ечимини кутаётганлигини таъкидламоқчимиз. Чунки, ғоявий мухолифлар яқин кунларгача жадидчиликни фақат маърифатчилик ҳаракати деб баҳолаб келдилар. Мақсад – жадидчиликнинг доирасини торайтириш, социалистиккоммунистик мафкурадан бошқаси кенг халқ онгини қамраб олиши, эгаллаши мумкин эмас, деган сохта тушунчанинг асорати эди. Шунинг учун ҳам ғоявий мухолифлар жадидчилик ҳаракатининг буржуа либерал, миллатчилик ҳаракати, майда буржуа идеологиясини ифодаловчи оқим сифатида қараб келинган эди. Аслида эса жадидчилик:

1) жамиятнинг барча қатламларини жалб эта олди. Уйғониш мафкураси бўлиб хизмат қилди;

2) мустақиллик учун кураш олиб борди. Унинг ғайрат ва ташаббуси билан вужудга келган Туркистон мухторияти бу йўлдаги амалий ҳаракатнинг дастлабки натижаси эди;

3) маориф ва маданиятни, матбуотни ижтимоий-сиёсий мақсадларга мослаб чиқди. Мана шундай ислоҳотларни амалга оширишга бел боғлаган жадидларнинг илғор қисми маҳаллий аҳолини жаҳоннинг тараққий этган давлатларида бўлаётган ўзгаришлар ва янгиланишлардан хабардор қилиб бориш лозимлигини яхши англаганлар.

Шу ўринда профессор Б.Қосимовнинг жадидчиликка берган таърифи ҳам эътиборлидир. “Жадидчилик, дейди Б.Қосимов,-ҳам ижтимоий, ҳам сиёсий, ҳам маданий ҳаракатдир. Шунинг учун ижтимоийки, у жамиятнинг барча қатламларини жалб эта олди, миллий уйғониш идеологияси бўлиб хизмат қилди. Шунинг учун сиёсийки, у мустақиллик учун кураш олиб борди... У маданий ҳаракат ҳам эди – адабиётни янгилади, матбуот ва театрчиликни йўлга қўйди, маорифда эса “янги мактаб концепцияси” билан чинакам инқилоб ясади. Энг муҳими, буларнинг барчасини ижтимоий-сиёсий мақсадларга мослаб кўриб чиқди”1 .

Дарҳақиқат, миллий ўзликни англашнинг ўсишига муҳим туртки бўлган ва миллий озодлик ғоясини шакллантириб, ўз фаолияти билан уни амалга оширишга уринган кучли прогрессив ҳаракат – жадидчилик бўлган. У жаҳондаги умуминсоний

ва миллий қадриятларга асосланиб, жамиятнинг пишиб етилган ривожланиш тараққиёти ва ўлка туб ерли аҳолисининг зарур манфаатларига жавоб берарди. Қолоқлик ва жаҳолат, аҳолининг аянчли аҳволи, Туркистоннинг жаҳон цивилизациясидан орқада қолиб келиши, Ислом ва шариатнинг оёқ ости қилиниши ва бундай оғир фожиали ҳаётдан қутулиш, эрк ва озодликка эришиш ҳақида ўз замонасининг илғор зиёли, мунавварларидан фикрмулоҳазалар пайдо бўлди. Хуллас, жаҳолат уйқусидан уйғониш тарихий заруриятга, ривожланишнинг объектив талаб ва эҳтиёжига айланди. Миллий демократлар бўлган жадидчилик ҳаракатининг энг муҳим жиҳатларидан бири миллий озодлик кураши мафкураси ва тактикасини ўрганишга қаратилган эди. Улар Европа мамлакатларининг давлат қурилиши ва қонунчилиги, Россия ва Шарқ халқларининг мустамлакачиликка қарши кураши ва демократик ҳаракатлари мафкураси ҳамда тактикасининг тенг амалий жиҳатларини ўрганиб, ундан ўз мамлакатларига мосини, тўғри келадиганини танлаб олишди. Натижада, миллий зиёлиларнинг мафкуравий ва ижтимоий-сиёсий фаолияти кучайиши, жадидларни иккига ажралишига яъни соф маданий-маърифий ишлар тарафдорлари ва иккинчидан ижтимоийсиёсий институтларни ислоҳ қилиш, мустамлакачилик ва феодализм кишанларидан озод бўлиш тарафдорларига бўлинишларига шароит яратди.

Жадидчилар ислом олами файласуфлари қоидаларида мавжуд бўлган имкониятлардан фойдаланган ҳолда илмий-гуманистик, фалсафий назарияларни илгари сурдилар. Ўзбекистон файласуфларининг устози, марҳум академик Иброҳим Мўминов Беҳбудийнинг “Фан раҳбарларига, олимларга” мақоласини таҳлил қилиб унинг фалсафий қарашлари ҳақида тўхталиб шундай ёзади: Беҳбудий моддиюнчилик ва даҳрийлик, иштирокиюнчиликка қарши муваффақиятли курашмоқ учун баъзан калом фалсафаси хулосалари ҳам ожизлик қилиб қолиши мумкинлигини англаб етган.

Файласуфларнинг фикрича гарчанд жадидизм, масалан француз маърифатпарварлигидан бир неча аср кейин юз берган ҳодиса бўлса-да, у ўз моҳияти билан инқилобга қадар бўлган Ўзбекистоннинг маданий ва маърифий ҳаётида, француз маърифатпарварлиги сингари, ижобий роль ўйнади. Жадидларнинг фалсафий асарларида оламий ақл, инсонни Худо билан боғловчи ақл деган мистик мулоҳазалар мавжуд бўлса-да, жадидлар ақлнинг бир томондан, руҳий жараён эканлигини ва иккинчи томондан ақл ташқи таъсирнинг, таълим-тарбиянинг маҳсули эканлигини эътироф этади.

Собиқ иттифоқ даврида ҳаётнинг барча соҳалари синфийлик, партиявийлик, худосизлик тамойиллари ва давлат мулки устуворлигига таянгани, сўз ва виждон эркинлиги турли йўллар билан бўғиб келингани, бир ёқлама дунёқараш зўрлик билан сингдирилганни туфайли фалсафанинг қуруқ сафсата ва зерикарли ақидага

айланиб қолгани аччиқ ҳақиқатдир. У даврда тоталитар тузум ва якка партия манфаатлари устун қўйилани оқибатида фалсафа деганда, инсонни – инсон, халқни – халққа айлантирадиган, унинг қадр-қиммати ва ўзлигини акс эттирадиган, асрлар давомида бир бутун тизим сифатида шаклланиб, ривожланиб келган ҳодиса эмас, балки собиқ мафкуранинг маддоҳига айлантирилган, унинг доирасидаги кичик бир соҳа тушунилар эди.

Мустабит шўролар даври ўзбек фалсафаси таниқли олим, файласуф Иброҳим Мўминов номи билан боғлиқ. Машҳур олим фалсафа илмига қизиқди, шу соҳада мақола, рисолалар ёзди ва илмий тадқиқот ишлари олиб борди. “Фалсафа - бепоён олам. ...фалсафа илми ҳудудий, миллий, минтақавий
хусусиятларга эга бўлиши билан бирга, умумжаҳон мезонлари, қонуниятлари, тарихийлик аломатларини ҳам ўзида акс эттиради. Шунинг учун ҳам Иброҳим Мўминов халқимиз фалсафий тафаккури қадриятларини тўғри баҳолаш мақсадида қадимги юнон, Европа, айниқса. Гегель фалсафасини ўрганмоқ зарур, деган қарорга келади”-деб ёзади домланинг шогирди, фалсафа фанлари доктори, профессор Н.Ғойибов. Иброҳим Мўминов фалсафа илмини ўрганиш жараёнида бир қатор илмий тадқиқот ишларини ҳам амалга оширди.

У 1941 йил ўзбеклар орасида биринчилардан бўлиб “Гегель диалектикасининг рационал мағзи” мавзусида номзодлик илмий ишини ҳимоя қилди. 1943 йилда Ўзбекистон Фанлар академияси ташкил қилинади. Унинг таъсис мажлисидаёқ Иброҳим Мўминов академиянинг мухбир аъзоси қилиб сайланади.1946 йил Самарқандда “Мирзо Бедилнинг фалсафий қарашлари” монографияси рус тилида босилиб чиқди. 1950 йилда “XIX аср охири ва XX аср бошларида Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикр тараққиёти тарихидан” деган мавзуда докторлик диссертациясини ҳимоя қилади. У 50-йиллар бошларида СамДУда ижтимоий кафедрага раҳбарлик қилди. Бу кафедра Республикада фалсафа йўналишида мутахассислар тайёрлашда асосий марказлардан бири бўлиб қолади.

Профессор Н.Ғоибов ўзининг “Донишманд” рисоласида Иброхим Мўминовниг хзматлари тўғрисида қуйидагича якуний муҳим илмий хулосаларни чиқаради:

-Марказий Осиёда фалсафий тафаккур тарихи халқимизнинг умумий
тарихи билан чамбарчас боғлиқликда диалектик алоқада ривожланиб келди;
у жаҳон фалсафаси тарихий тараққиётининг ажралмас ва мазмунан бой
қисмидир;

-Марказий Осиё фалсафаси ҳозирги замон фалсафасининг асосий илмий-назарий йўналишларидан бири ҳисобланган инсон мавзусига қадим замонлардаёқ фалсафий муаммо сифатида эътибор қаратди ва ривожлантирди; инсон ахлоқи, ахлоқнинг ижтимоий моҳияти айниқса чуқурроқ таҳлил этилди;

-ижтимоий-фалсафий ғоялар бирмунча ривожлантирилди; одил жамият, одил ҳукмдор ғоялари дадил тарғиб қилинди;
-Марказий Осиё фалсафасида билиш жараёни ўзига хос усулларда таҳлил этилди; сезгилар воситасида билиш, ақлий билиш, улар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик масалаларига муҳим аҳамият берилди;
-Марказий Осиё фалсафаси оддий диалектиканинг ривожланишига ўзига хос ҳисса қўшди. Бу ўринда сонлар назарияси, инсон танаси ҳаётий фаолиятининг, шунингдек, моддий борлиқдаги, жумладан, фазодаги барча предметларнинг харакатлари қонуниятлари ҳақидаги таълимотлар муҳим аҳамиятга эгадир;
-пантеизм таълимотининг шарқона йўналишлари (ваҳдати вужуд, ваҳдати мавжуд) фалсафий илмлар тараққиётига ўз хиссасини қўшди;
-Марказий Осиё фалсафаси тараққиётида тасаввуф таълимоти (тасаввуф фалсафаси) ғоялари ўзига хос аҳамиятга эга;
-Марказий Осиё фалсафий фикрлар тараққиёти юқоридаги хусусиятлари билан жаҳон фалсафаси тараққиётига муносиб ҳиссасини қўшди;

Юртимизда истиқомат қилиб келаётган турли миллат ва элат вакиллари ҳамда турли диний конфессиялар ўртасида бағрикенглик тамойилларини қарор топтиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан 2017 йил 7 февралдаги Фармон асосида эълон қилинган Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг бешинчи йўналиши айнан диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш масаласига бағишлангани мамлакат Президенти ва ҳукуматининг Бош қомусимиз ва халқаро ҳужжатларда белгиланган умуминсоний тамойиллардан оғишмай риоя этаётганидан далолатдир.

**Берилган матндан қуйидаги саволларга жавоб беринг.**

1. Жадидчилик ҳаракатининг ижтимоий-сиёсий жиҳатларини кўрсатиб беринг?
2. Жадидлар фалсафий ижод қиганми. Агар билсангиз асослаб беринг?
3. Жадидларнинг меросини ҳозирги замон фалсафаси ўрганишини тўғри деб ҳисоблайсизми?
4. Тоталитар мафкуранинг фалсафага таъсирини қандай баҳолайсиз?
5. XX асрда етишиб чиққан ўзбек файласуфларини санаб беринг?

**Амалий машғулотни ўтказиш тартиби:**

1. Тингловчи берилган ҳар бир савол бўйича ўз фикрини баён қилади;
2. Қўйилган саволни қандай қилиб қулай ўқитиш методлари ҳақида таклиф беради;
3. Берилган таклиф бўйича бир нечта мисоллар кўрсатади;
4. Таклиф қилинаётган замонавий таълим методининг самарадорлигини исботлайди.

**4-амалий машғулот**

Фалсафий тафаккурнинг ижтимоий-сиёсий асослари мустаҳкам бўлиши зарурлиги тараққиёт жараёнида кўп бор исботланган ҳақиқатдир. Ҳар қандай жамият ва мамлакат халқнинг турли қатламлари, партиялар, миллий-этник бирликларнинг ижтимоий онгини ўзгартира олмаса, ўзининг пировардмақсадларини амалга ошириши қийин. Бугунги кунда жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзосига айланган Ўзбекистонда янги мазмун ва шаклдаги сиёсий тизим ҳамда тузилмалар вужудга келди. Буларнинг барчаси янги мазмундаги фалсафий дунёқарашни шакллантиришнинг ижтимоий-сиёсий асосларини яратди.

Фалсафий янгиланишда маънавий асослар ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Чунки бундай жараён мамлакатда амалга ошаётган маънавий соҳадаги ўзгаришларнинг таркибий қисмидир. Бу борада Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар, халқ маънавиятининг тозаланиши, асрлар давомида яратилган қадриятларни тиклаш, асраб-авайлаш, келажакка етказиш билан боғлиқ саъй-ҳаракатлар катта аҳамиятга эга. Бунда, айниқса, тарих фалсафаси, халқимизнинг хотираси, ўтмишдаги авлодлар яратган бой маданий меросдан тўла-тўкис фойдаланиш имконияти яратилганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Фалсафий янгиланишнинг ғоявий омиллари ҳам бор, яъни бу жараён мамлакатимиз тараққиётининг мафкуравий тамойиллари билан узвий боғлиқдир. Маълумки, мафкура жамиятдаги маънавий муҳит қандай эканини кўрсатиб турадиган энг асосий мезонлардан бири бўлса, фалсафа уни шакллантирадиган омиллар сирасига киради. Президентимиз асарларида таъкидлангани каби, мафкура бўлмаса, ҳар қандай миллат, жамият ўз йўлини йўқотиб қўйиши мумкин. Бугунги кунда мамлакатимизда миллий истиқлол ғоясини аҳоли онги ва қалбига сингдириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу жараён фалсафий дунёқараш янгиланишининг асосий йўналишини белгилайдиган омиллардан бирига айланиб бормоқда.

Ҳозирги замонга, унинг шиддатли ўзгаришларига мос фалсафий дунёқарашни янада янгилаш зарурати бир қатор йўналишларда намоён бўлмоқда:

1.Аввало, бу мамлакатимизда демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёни билан узвий боғлиқ. Бунда ана шу янги жамият ҳақида, бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш жараёни, янги ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг қарор топа бориши, ислоҳотларнинг инсон манфаатларига хизмат қилиши, комил инсонни вояга етказиш давр талаби экани каби дастурий вазифаларнинг ҳаётийлиги тўғрисидаги ғояларни одамлар дунёқарашида қарор топтириш, уларнинг қалби ва онгига демократик қадриятларни муттасил сингдириб бориш зарур.

2.Фалсафий онгнинг янгиланиши моҳият эътибори билан мустақилликни

мустаҳкамлаш, мамлакатимизнинг халқаро нуфузи ва алоқаларининг ўсиб бориши, тинчлик, осойишталик, миллий тотувлик, ҳамжиҳатликка хизмат қилувчи ғояларга таянади. Унинг ҳаётийлиги кўпмиллатли халқимиз иродасига, руҳиятига, миллий туйғулари, орзу- интилишларига мослиги билан белгиланади.

3.Албатта, фалсафадаги янгиланиш инсон, миллат ва Ватан манфаатлари, миллий қадриятларимиз руҳига мос ҳолда амалга ошмоқда. Бу эса, ўз навбатида, юртимизда кечаётган ислоҳотлар жараёни, давлатимизнинг сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий ҳаётидаги ижобий ўзгаришлар тўғрисида халқимизда тўғри тасаввур ва тушунчаларни муттасил равишда хосил қилиб бориш лозимлигини кўрсатади.

4.Фалсафий дунёқарашнинг янгиланиши тақозо этадиган энг муҳим вазифалардан бири ҳуқуқий қадриятлар, мақсад ва ғояларни амалга ошириш йўлида хизмат қиладиган тафаккур тарзини шакллантиришдир. Бу қонун устиворлиги ва шу соҳадаги мақсад ва ғоялар аввало инсон ва бутун жамият манфаатларини акс эттиргани боис, уларни маънавий ҳаёт тарзинингтаркибий қисмига айлантириш муҳим аҳамиятга эга.

Шу ўринда қабул қилинаёттан қонун ва қарорларнинг асл моҳиятини, уларда баён қилинган ғоя, хулосаларни кенг халқ оммаси онгига етказиш бениҳоя муҳим ва долзарб эканини таъкидлаш жоиз. Чунки демократик тараққиёт, фуқаролик жамияти ва маърифатли, баркамол инсон тушунчалари ўзаро боғлиқдир. Ҳуқуқий давлатни ҳам, маданий бозорни ҳам, маънавий соғлом жамиятни ҳам ана шундай кишилар ярата олади. Бундай авлодни вояга етказмай туриб, уларнинг онги ва қалбига миллий истиқлол ғояларини сингдирмай туриб, жамиятдаги янгиланишнинг асосий йуналишларини амалга ошириш тўғрисида фикр юритиш ниҳоятда қийин.

Демак, фалсафий дунёқарашнинг янгиланиши, бир томондан, моҳият эътиборига кўра, ҳар бир инсондан, унинг онги, тафаккури такомиллашувидан четда кечадиган жараён эмас. Иккинчидан эса, бу - умумжамият миқёсидаги ижтимоий онгнинг ўзгариш жараёндир. Шу маънода, у ҳам жамиятдаги бошқа ўзгаришлар каби, аввало, инсон учун, унинг манфаатларини амалга ошириш учун бўлаётган туб ислоҳотларнинг таркибий қисмидир. Бу жараёнда ўтаётган даврни, унинг мазмун-моҳиятини белгилайдиган улкан ўзгаришларни, бу ўзгаришларда иштирок этган субъектлар фаолиятини ўрганиш ва бундан хулосалар чиқариш муҳим тарбиявий аҳамиятга эга.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг иқтисодий, ижтимоий сиёсий, мафкуравий-маънавий соҳаларда тараққиёт ва янгиланишнинг ўзига хос ҳамда ўзига мос йўлини танлади. Республикамизнинг бозор иқтисодиётига ўтиш тажрибаси, «ўзига хос ва ўзига мос» тараққиёт йўли, истиқлолнинг дастлабки кунларидан бошлаб миллий анъаналаримизга асосланган янги давлатчилик назарияси, миллий

тикланиш ғояси, истиқболда мўлжалланган стратегик масалалар, минтақавий ва халқаро сиёсат, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрни ва мавқеи каби долзарб масалалар ишлаб чиқилди. Шунингдек, Ўзбекистонда қурилаётган ҳуқуқий демократик давлат хусусиятлари, демократия ва халқ руҳияти, демократик тамойиллар ривожи, маданиятлар ва цивилизациялар синтези, фуқаролик жамияти тизимини шакллантириш йўллари, миллий мафкура зарурати ва унинг негизлари, миллий қадриятларни тиклаш, неча минг йиллик тарихимизни ўрганишнинг концептуал ғоялари асослаб берилди.

Маълумки, Ислом Абдуғаниевич ўз раҳбарлик фаолиятининг мазмунига айланган «Биздан озод ва обод Ватан қолсин!» деган эзгу ғояни илгари сурган ва бу шиор барчамизнинг, бутун халқимизнинг қалбидан чуқур жой олган эди. Улуғ йўлбошчи ана шу буюк вазифани ҳамма вақт, ҳар қандай вазиятда ҳам шараф билан адо этди, бу йўлда беқиёс куч-ғайрати ва ақл-заковатини, керак бўлганда ҳатто азиз жонини ҳам аямади. Кўпни кўрган халқимиз айнан Ислом Абдуғаниевич раҳбарлигида ғоят мураккаб тарихий даврда мамлакатимиз мустақилликка эришганини, миллий давлатчилигимизни тиклаш ва дунё ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаш, Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ишлаб чиқиш ва амалга татбиқ этиш, ҳаётнинг барча соҳа ва тармоқларини ислоҳ қилиш борасида улкан ютуқларни қўлга киритганини, буларнинг барчаси эркин ва фаровон ҳаётимиз учун мустаҳкам пойдевор бўлиб келаётганини ҳеч қачон унутмайди[4].

*Албатта жамият тараққиётининг муайян босқичларида ижтимоий ҳодисаларга муносабат хилма-хил тарзда намоён бўлади. Хусусан, мустақиллигимизнинг биринчи кунидан бошлаб, ҳаётимизнинг барча жабҳаларида «қадриятлар», «миллий тикланиш», «миллий онг», «миллий ғурур», «миллий ифтихор» каби атамалар тез-тез ишлатиладиган бўлиб қолди. Бу бежиз эмас. Зотан, мустақиллик, айни пайтда, миллий тикланиш ҳамдир. Уни эса мазкур тушунчаларсиз тасаввур этиб бўлмайди.*

Давлат ва жамият бошқаруви мураккаб жараён бўлиб, уни ташкил этиш ва бошқариш бўйича турли хил моделлар, бошқарув шакллари ҳамда йўллари ишлаб чиқилган. Инсоният томонидан минг йиллар давомида тараққийпарвар давлат, ―комил жамият‖ барпо этиш ғояси илгари сурилган. Шу асосда ўтган асрдан бошлаб жаҳон амалиётида ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини ташкил этиш бўйича амалиёт бир неча давлатлар тажрибасида қўлланилиб, ҳаётда ўз самарасини берди.

Бугунги кунда эса ўз суверенитетига эга бўлган кўпгина мамлакатлар учун бундай йўл энг мақбул мақсадга айланди. Дунё халқлари янги давр тарихини

---

[4] Мирзиёев Ш.М. Мустақил Ўзбекистон давлатининг асосчиси. // Ислом Каримов - Мустақил Ўзбекистон давлатининг асосчиси. –Т.: Ислом Каримов номидаги республика Хайрия жамоат фонди 2018. -10 б.

кузатсак, уларнинг кўпчилиги ўз миллий мустақиллиги учун курашни ўз она тилига давлат тили мақомини бериш учун курашишдан бошлаганлигини кўрамиз. Ҳиндистон, Покистон, Бангладеш каби Англиянинг, Африкадаги Франциянинг, Америкадаги Испаниянинг мустамлакалари бўлган давлатларда она тилига давлат тили мақоми бериш учун курашлар йиллар давом этган. Аммо, афсуски, уларнинг барчаси ҳам ҳали ҳануз ўз ниятига эришган эмас. Шунинг учун бу қонунни мустақиллигимиз йўлидаги дастлабки қадамлардан бири сифатида, улкан сиёсий, тарихий воқеа сифатида эътироф этишимиз, унинг қадрига етишимиз шарт. Ўтган йилларга назар ташласак, миллий тилимизга муносабат ва эътиборнинг қанчалик ўзгарганлигига гувоҳ бўламиз. *Ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши халқимизнинг истиқлолга эришиш, шу юртда яшаётган, унинг ривожи, истиқболи учун жон куйдираётган ҳар бир инсоннинг орзу-умидларини рўёбга чиқариш йўлидаги муҳим қадамлардан бири бўлди. Зеро, ўзликни англаш, миллий ифтихор ҳиссининг шаклланиши миллат тилининг мустақиллиги, эркинлиги билан боғлиқлиги ҳеч кимга сир эмас.*

Миллий тикланиш — у ёки бу миллат ҳаётида содир этиладиган, зўравонлик йўли билан унинг авлод-аждодлари томонидан яратилган мерос, урф-одатлар, анъаналар, қадриятлардан маҳрум этилган, тарихий хотираси топталган, миллий ўзликни англаши чекланган, манфаатлари, мақсадлари, паймол этилган, тарихий тараққиётнинг маълум босқичига келиб эса ўз мустаққиллигини қўлга киритиш натажасида миллий ривожланиш борасида ана шу бой берилган имкониятлардан фойдаланиш, яратилган барча моддий ва маънавий бойликларнн миллий ривожлантиришга йўналтиришга қаратилагн умуммиллий фаолиятдир. Миллий тикланишнинг асосий йўналиши тарихий тараққиётнинг маълум босқичида у ёки бу миллат томонидан миллий тараққиёт борасида бой берилган имкониятларини мустақилликни қўлга киритиш шарофати билан яна миллий ривожланишнинг асосий манбаига айлантириш борасидаги умуммиллий ва миллий ўзликни англаш жараёни фаолияти билан боғликдир.

Сиёсатшунос олимлар мустақиллик даври ривожланиш босқичларини шартли равишда компенсация, адаптация, интеграция ва инновация даврлари сифатида таҳлил қилишган. Жумладан, дастлабки, **компенсация ва адаптация** даври (1991-2000й.) – ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиясини амалга оширишга қаратилган давр бўлиб, тўлдириш, таъминлаш, қоплаш, мослашиш, мувофиқлашиш, кўникма ҳосил қилиш маъноларида қўлланилади. Бу даврдаги ислоҳотларнинг асосий мақсади собиқ иттифоқ парчаланиши оқибатида марказлашган маъмури буйруқбозлик бошқарувига, коммунистик монопол зуғумга айланган мафкурага хотима ясалиши натижасида мамлакатда ҳар томонлама юзага келган бўшлиқни тўлдиришдан иборат эди. Бу босқичлар икки даврий жараёнлар кесимида

кузатилади. Биринчиси, бу миллий давлатчилик асосларининг жорий этилиши, сингдирилиши, такомиллашиб ҳаётга татбиқ этилиш жараёнлари – **компенсация** даврини ўз ичига олса, иккинчи даврий жараён давлат бошқарув механизмлари белгиланганислоҳотларни амалга ошириш имконияти ва самардорлигини амалда рўёбга чиқариши, айни пайтда, фуқаролар онгида янги қадриятларнинг қарор топиши, мустақиллик ғояларининг фаол эҳтиёжга айланиши каби ўзгариш ва мослашувлар жараёни – **адаптация** даври ҳисобланади.

**Интеграция** даври (2001-2007). ―Интеграция‖ атамаси бирлашиш, қўшилиш, сингиш, умумжаҳон тараққиёти жараёнларига мувофиқ қадам ташлаш каби маъноларни қамраб олади. Жумладан, бу тушунча давр чақириқларига муносиб жавоб бериш, илм-фан ва технология янгиликларини амалий ишлаб чиқаришга татбиқ этиш орқали илғор мамлакатлар сафидан жой олишга эришиш мазмунида қўлланилади. Айни пайтда ривожланган давлатлар тажрибасини амалда татбиқ этиш миллий иқтисодиётнинг умумжаҳон тизимига кириб боришига хизмат қилди.

Инновация даври мамлакатимизда 2007 йилдан ҳозирги кунгача давом этиб келаётган учинчи босқич ҳисобланади. Ушбу даврнинг ўзига хос хусусиятлари Ўзбекистоннинг демократик ислоҳотлар йўлида янги тараққий этган индустриал ривожланиш босқичига қадам қўйиши билан белгиланади. Бу давр жаҳон тажрибалари ҳамда синовларидан ўтган, бозор иқтисодиётига асосланган демократик давлат ва жамият бошқарувининг энг илғор тамойилларини татбиқ этишга қаратилган янги босқични бошлаб берди.

**Берилган матндан қуйидаги саволларга жавоб беринг.**

4. Ўзбек фалсафасининг асосий тараққиёт йўналишларини кўрсатиб беринг?.
5. Ўзбекистоннинг мустақил демократик тараққиёт йўлида янги фалсафий тафаккурни ривожланишини нималарда кўринади?
6. Миллий тикланиш босқичи ва унинг ўзига хос хусусиятлари нимада?

Мамлакатимизда демократик ислоҳотлар ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини санаб беринг?

**Амалий машғулотни ўтказиш тартиби:**

1. Тингловчи берилган ҳар бир савол бўйича ўз фикрини баён қилади;
2. Қўйилган саволни қандай қилиб қулай ўқитиш методлари ҳақида таклиф беради;
3. Берилган таклиф бўйича бир нечта мисоллар кўрсатади;
4. Таклиф қилинаётган замонавий таълим методининг самарадорлигини исботлайди.

**5-амалий машғулот**

Юртимизда истиқомат қилиб келаётган турли миллат ва элат вакиллари ҳамда турли диний конфессиялар ўртасида бағрикенглик тамойилларини қарор топтиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси

Президенти Ш.Мирзиёев томонидан 2017 йил 7 февралдаги Фармон асосида эълон қилинган Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг бешинчи йўналиши айнан диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш масаласига бағишлангани мамлакат Президенти ва ҳукуматининг Бош қомусимиз ва халқаро ҳужжатларда белгиланган умуминсоний тамойиллардан оғишмай риоя этаётганидан далолатдир.

Стратегия тушунчаси грекча сўздан олинган бўлиб аслида ―жанг санъати‖маъносини билдиради. Бугунги кунга келиб ―стратегия кенг тушунчага айланиб, турли сиёсий-ижтимоий соҳаларда қўлланилмоқда. Жумладан, ―Давлат стратегияси сиёсий терминология сифатида бугунги кунда фан назарияси ва амалиёти даражасида ўзининг алоҳида тушунча ва категорияларига эга бўлиб:

1.) Узоққа мўлжалланган режалаштириш санъати;

2.) Бошқарув ва раҳбарлик маҳорат санъати;

3.) Сиёсий ва ижтимоий жараёнларни идора қилиш санъати:

4.) Аҳолини маълум мақсадлар сари сафарбар этиш санъати:

5.) Мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш санъати:

6.) Тақсимлаш ва самарадорликни таъминлаш санъати каби тушунчаларни қамраб олади.

Стратегия – бу таълимотни излаш, ифодалаш ва ривожлантириш тизими бўлиб, у изчиллик билан ва тўлиқ амалга оширилганда узоқ муддатли муваффақиятни таъминлайди. Стратегия бу – стратегик фикрлаш, чуқур билим ва интуиция асосида муҳитни, келгуси шароитларнинг мавжуд прогнозларини тизимли таҳлил қилиш натижасидир. Ушбу таҳлилнинг якуний маҳсули – бу ўзидан аввалги прогноз, вазифа, нуқтаи назар, устуворликлар ва узоқ муддатли мақсадли вазифаларни режалаштириш орқали бажарилишини талаб қилади.

Динлараро бағрикенглик ғояси турли диний эътиқодга эга бўлган кишиларнинг бир замин, бир ватанда, олижаноб ғоя ва ниятлар йўлида ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшашини англатади. Дунёдаги динларнинг барчаси заминида эзгу ғоялар туради, улар инсонни ҳалоллик, тинчлик, яхшилик ва дўстлик каби фазилатлар томон етаклайди. Азалдан ислом дини ўзга дин вакиллари билан баҳамжиҳатликка чақиради. Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай марҳамат қилади: «(Эй, мўминлар!) Сизлар аҳли китоблар билан фақат энг чиройли услубда мунозара қилингиз, илло уларнинг орасидаги зулм (тажовуз) қилганлар бундан мустаснодирлар» (Анкабут сураси, 46- оят). Инсоният ўзини ва ўзлигини англаш йўлида асрлар мобайнида турли муқаддас аъмолларга суяниб келган. Одамларнинг эътиқодлари, улар диний-мифологик таълимот кўринишида ёки муқаддас китоб шаклида бўладими, қандай бўлмасин, инсонни ўзлигини англашга ва ўзгага бўлган ижобий муносабатларга даъват этиб келган. Аммо ҳозирги глобаллашув шароитида

дин билан боғлиқ муаммолар жаҳоннинг турли ҳудуд ва мамлакатларида нозик масалалардан бирига айланди.

Мамлакитимиз Президенти Ш.Мирзиёев 2017 йил 15 июнь куни Тошкент шаҳрида “Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби” мавзусида анжуманда мазкур масалага эътибор қаратиб, шундай деди: “Биз кўп жойларда жаҳолатга қарши маърифат ташаббуси билан чиқяпмиз. Муқаддас ислом динини ниқоб қилиб бошқа кўчаларга кириб кетаётган жоҳил кимсалар бир нарсани тушунмайди ёки тушунишни истамайди. Яъни, ислом фақат нурли ҳаётга, илм-маърифатга, яхшиликка ундайди. Ҳеч қачон хунрезлик, қотиллик, зўравонликка чақирмайди. Ана шу ҳақиқатни тан олмасдан, сохта ғояларга алданиб, зарарли оқимларга кириш, террорчи бўлиш – бу Ўзбекистон халқига мутлақо тўғри келмайди. Алҳамдулиллоҳ, ҳаммамиз мусулмонмиз, бунинг шукронасини қилиб, фарзандларимизни ҳам бундай неъматнинг қадрига етадиган инсонлар этиб тарбиялашимиз керак эмасми?” [2; 58 б.]. Шундай экан, ёшларнинг маънавий олами, маърифатини ошириш, диний ва дунёвий билимлар билан қуроллантириш, бир сўз билан айтганда, уларнинг тарбияга масъул эканлигини ҳар бир шахс ҳис этмоғи лозим. Шунинг учун ҳам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Ўзбекистон миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик соҳасида ўз анъаналарига доимо содиқ бўлиб, бу йўлдан ҳеч

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеясининг ялпи мажлиси томонидан муҳим бир ҳужжат – “Маърифат ва диний бағрикенглик” резолюцияси қабул қилинди. Ушбу резолюцияни қабул қилиш ташаббуси 2017 йил сентябрь ойида Бош ассамблеянинг 72-сессиясида Ўзбекистон томонидан илгари сурилган эди. Бизнинг таклифимизни Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлган 193 та давлат кенг қўллабқувватлагани жаҳон ҳамжамияти томонидан Ўзбекистоннинг саъй-ҳаракатларига берилган юксак баҳо ва эътироф сифатида барчамизга катта мамнуният ва ғурур-ифтихор бағишлайди”, дея алоҳида таъкидлади .

Албатта, қисқа муддат ичида ушбу ижобий натижаларга ўзўзидан эришилмади, бу борада улкан ишлар амлга оширилди. Хусусан, Президентимиз саъй-ҳаракатлари билан Қорақалпоғистон Республикасида “Имом Эшон Муҳаммад”, Хоразмда “Охун бобо”, Тошкентда “Имом Термизий», “Сузук ота” масжидлари бунёд этилди, Сурхондарёдаги Имом Термизий зиёратгоҳи, Қашқадарёдаги Абу Муъин Насафий мажмуасида қурилиш-таъмирлаш, ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Бухорода Мир Араб олий мадрасаси, Термиз шаҳрида Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Самарқандда “Ҳадис” ва “Калом” илмий мактаблари ташкил этилди. Айниқса, Юртбошимизнинг ташаббуси билан Самарқандда Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, пойтахтимизда Ислом цивилизацияси

маркази ташкил этилаётгани, ушбу марказ қошида Ислом академиясининг очилиши маърифат ва диний бағрикенглик соҳасидаги эзгу ишларда ёрқин намуна бўла олди. Ушбу ишларнинг ижобий натижаларини ҳис этган ва кўрган ҳолда 2018 йил 11 декабрь куни АҚШ Давлат котиби Майкл Помпео ўз қарорида расмий равишда Ўзбекистонни дин эркинлигини бузганлиги сабабли “алоҳида ташвиш” (CPC) мамлакатлари рўйхатидан олиб ташлади. Ўзбекистоннинг Вашингтондаги элчихонасида Ташқи ишлар вазирлиги тарқатган баёнотида айтилишича, “Бу қарор жуда кутилган эди, чунки Ўзбекистон ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олган ўзгаришлар ва ўзгаришларнинг тарихий босқичидан ўтмоқда”[5]

Ҳаракатлар стратегиясининг “Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш”, деб номланган бешинчи устувор йўналишига муносабат билдирар экан, фалсафа фанлари доктори, профессор И.Саифназаров инсон эътиқодини шакллантирувчи уч омилини кўрсатиб ўтади:

- инсон ҳаётининг мақсади ва мазмунини англатадиган, ҳаётий дунёқарашини белгилайдиган, халқимизнинг буюк ва қадимий меросида ифодаланган гуманитар билимлар;
- шахснинг интеллектуал салоҳиятини юксалтирадиган ва чуқурлаштирадиган, таълим жараёнларини баҳолашнинг энг холис йўлларини, тамойилларини, усулларини шакллантирадиган илмий-назарий, ижтимоий-фалсафий билимлар;
- ўзга халқлар ҳаёти, маданияти, маънавияти, дунёқарашини ўргатадиган, уни ўзи мансуб миллий маданият билан таққослаб, ҳар бирининг муносиб ўрнини англашга имкон берадиган ҳозирги замон илғор ижтимоий билимлар

**Берилган матндан қуйидаги саволларга жавоб беринг.**

1. «Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари» тамойилини тушунтириб беринг?
2. Ҳаракатлар стратегияси – диний бағрикенгликни таъминлаш омили эканини асослаб беринг?
3. Ўзбекистоннинг жаҳон цивилизациясига кириб боришининг асосий йўналишлари кўрсатинг?.
4. Маънавий баркамол авлод – буюк келажак бунёдкори.

**Амалий машғулотни ўтказиш тартиби:**

1. Тингловчи берилган ҳар бир савол бўйича ўз фикрини баён қилади;
2. Қўйилган саволни қандай қилиб қулай ўқитиш методлари ҳақида таклиф

[5] Саифназаров И. Ахборот хуружлари ва мафкуравий иммунитет // “Парламент назорати ва ОАВ – мамлакатни моденизациялашнинг муҳим омили” мавзусидаги республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. 2012 йил 20 февраль – Т.: 2012. 6-7 б

беради;
3. Берилган таклиф бўйича бир нечта мисоллар кўрсатади;
4. Таклиф қилинаётган замонавий таълим методининг самарадорлигини исботлайди.

## АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРНИ БАЖАРИШ НАМУНАСИ

**мавзу бўйича топшириқлар**

3 гуруҳга бўлининг ва берилган саволлар бўйича фикрингизни билдиринг.

**1- гурух учун:**

А) Фалсафа фани бўйича малака талаблари ва уларни такомиллаштириш йўналишлари;
Б) Фалсафанинг бошқа фанлар билан узвийлиги ва узлуксизлиги ҳолати;
В) "Муаммони ҳал қилишнинг Расселча усули" таърифини қандай тушунасиз?

**2- гурух учун:**

А) Фалсафа фани бўйича малака талаблари ва уларни такомиллаштириш йўналишлари;
Б) Фалсафанинг бошқа фанлар билан узвийлиги ва узлуксизлиги ҳолати;
В) "Муаммони ҳал қилишнинг Расселча усули" таърифини қандай тушунасиз?

**3- гурух учун:**

А) Фалсафа фани бўйича малака талаблари ва уларни такомиллаштириш йўналишлари;
Б) Фалсафанинг бошқа фанлар билан узвийлиги ва узлуксизлиги ҳолати;
В) "Муаммони ҳал қилишнинг Расселча усули" таърифини қандай тушунасиз?

# V. ГЛОССАРИЙ

| Термин | Ўзбекча шарҳи | Инглизча шарҳи |
|---|---|---|
| **Абстракция** | (лот. абстрактио – чалғиш, четлашиш) – нарсалар хосса ва нисбатларининг бошқалари, мазкур тадқиқотда жиддий бўлмаган ва иккинчи даражали деб кўриб чиқилаётганларидан хаёлан ажратиб олиш (фарқлаш) жараёни. Абстракция (мавҳумлаш) натижаси мавҳум объектларнинг ҳосил бўлишидир. | (Lat. abstraktio - distraction, deviation) - the process of imaginary separation (differentiation) of others from the properties and proportions of things, which are not considered serious in this study and are considered secondary. The result of abstraction is the formation of abstract objects. |
| **Алгоритм** | (Алгоритми сўзидан – Ўрта Осиёлик олим ал-Хоразмий номининг лотинлаштирилган шакли) – бир типдаги ёки ялпи масала ва муаммоларни ҳал қилиш мумкин бўлганани кўрсатма ва қоидаларнинг узил-кесил бирлиги (йиғиндиси). | (From the word algorithm - a Latinized form of the name of the Central Asian scientist al-Khwarizmi) - a definite unit (sum) of instructions and rules that can solve a type or general problem and problem. |
| **Аналогия** | (юнон. аналогиа – ўхшашлик, айнанлик, мувофиқлик) – намойиш этилмайдиган мулоҳаза, фикр, хулоса, унда иккио бъектнинг баъзи белгиларига кўра бошқа белгилар бўйича ўхшашлиги тўғрисида хулоса қилиниб, ўхшаш(айнан)лиги асосида уларни билишга эришилади. | (Greek analogy - similarity, similarity, conformity) - a non-demonstrative consideration, opinion, conclusion, in which it is concluded that the two objects are similar in some respects to other features, and it is possible to know them on the basis of similarity (exact). |
| **Аниқлаш (дефиниция)** | мулоқот, баҳс, мунозара ва тадқиқотда тушунмовчиликнинг олдини оладиган энг ишончли усуллардан бири. | one of the most reliable ways to prevent misunderstandings in communication, discussion, debate, and research. |
| **Аспект** | тадқиқот объекти (предмети)ни ўрганилаётганида кўриб чиқилаётган нуктаи назар, муайян ёндашув. | the point of view considered when studying the object of research (subject), a specific approach. |
| **Ақл** | (лот. rationalis, юн. nus, fronesis; араб. ал-ақл – асосланган, мақсадга мувофиқ) – инсон учун ўйлаш, фикрлаш, англаш ва хотирлаш, хулоса чиқариш | (Lat. rationalis, Greek. nus, fronesis; Arabic. al-intellect - based, purposeful) - a unique spiritual phenomenon, the ability for a person to think, reason, |

| | | |
|---|---|---|
| | имконини берадиган қобилият, ноёб маънавий ҳодиса. Шунингдек, тафаккур фаолиятининг босқичи, инсоннинг нарсаларнинг моҳиятига етиштирувчи билиш қобилияти. | comprehend and remember, to draw conclusions. It is also the stage of thinking activity, the ability of man to know the essence of things. |
| **Барқарорлик** | шароитлар ўзгарганида ҳам тажриба самарадорлигини сақлаб қолиш, анча узоқ вақт мобайнида юқори натижаларга эришиб келиш. | maintaining experimental efficiency even when conditions change, achieving high results over a much longer period of time. |
| **Белги** | бошқа бир предмет, хосса ёки муносабатни ифодалайдиган ва муайян хабарни узатиш, сақлаш ёки унга ишлов беришда ишлатиладиган моддий, ҳиссий идрок этиладиган предмет. | another object, a material, emotionally perceptible object that represents a property or relationship and is used to convey, store, or process a particular message. |
| **Билим** | билишнинг натижаси, субъективлашган ахборот. | the result of cognition, subjective information. |
| **Билиш** | воқеликнинг инсон онгидаги акси. | the reflection of reality in the human mind. |
| **Верификация** | (дан лат. Verus-ҳақиқат ва facio - ёлгон) - илмий баёнотларнинг ҳақиқатини емпирик текшириш натижасида ўрнатиш жараёнини ифодаловчи услубий концепция; мантиқий позитивизм учун асосий бўлган верификацион ёндашувга кўра, ҳар бир илмий мазмунли баёнот соф тажрибадан маълумотларни ёзиб олган протокол жумлалари тўпламига камайтирилиши мумкин ва таклиф ҳисобининг бошланғич баёнотлари сифатида ҳаракат қилади. | (from lat. verus-truth and facio - false) - a methodological concept that represents the process of installation as a result of empirical verification of the truth of scientific statements; according to the verification approach, which is fundamental to logical positivism, each scientifically meaningful statement can be reduced to a set of protocol sentences that record data from pure experience and act as initial statements of the proposal account. |
| **Виртуаллик** | (лотинча “виртус”) қадимги римликлар тили ва маънавияти жабҳасида бу сўз кўп маъно – мазмунда қўлланилган. Хусусан, қуйидаги маъноларда: эзгулик, яхшилик, жасорат, потенциаллик, нореаллик ва | (Latin "virtus") In the language and spirituality of the ancient Romans, the word was used in many senses. In particular, in the following senses: kindness, goodness, courage, potentiality, unreality, and so on. |

| | | |
|---|---|---|
| | бошқалар. | |
| **Виртуалистика** | постноклассик илмий йўналиш бўлиб, виртуаллик реаллик муаммосини ўрганади. | is a postnoclassical scientific direction that studies the problem of virtual reality. |
| **Гармония** | бир бутун нарса қисмларининг ўзаро мувофиқлиги. | the compatibility of the parts of a whole thing. |
| **Гипотетик** | эҳтимол тутилган, фараз қилинган, тахмин (гипотеза)га асосланган. | probably based on assumptions, hypotheses. |
| **Гипотетик-дедуктив услуб** | табиий билимлар ва умуман эмпирик фанлар натижаларини тизимлаштиришда кенг тарқалган, фаразлардан оқибатларни чиқариш (дедукция қилиш)га асосланган мулоҳаза юритиш усули. | a common method of reasoning based on the deduction of consequences from hypotheses in the systematization of the results of natural sciences and empirical sciences in general. |
| **Глобаллашув** | ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳаларида яхлит тузилмаларнинг дунё миқёсида шаклланиш жараёни. | the process of global formation of integrated structures in various spheres of social life. |
| **Глобалистика** | глобаллашув ва унинг оқибатлари моҳиятини англаб етишга қаратилган илмий ва фалсафий тадқиқотлар фанлараро соҳаси. | an interdisciplinary field of scientific and philosophical research aimed at understanding the nature of globalization and its consequences. |
| **Гносеология** | (юнонча гносис – билим, илм ва логос – таълимот, фан) «билиш ҳақидаги таълимот (фан)», «онг ҳақидаги таълимот (фан)». Фалсафий адабиётларда, шу жумладан фалсафий қомуслар ва луғатларда «гносеология» атамаси «билиш назарияси» деб таржима қилинган. | (Greek gnosis - knowledge, science and logos - doctrine, science) "doctrine of knowledge (science)", "doctrine of consciousness (science)". In the philosophical literature, including philosophical encyclopedias and dictionaries, the term “epistemology” is translated as “theory of knowledge”. |
| **Дедукция** | тадқиқот ёки тавсифлаш методи, усули бўлиб, бунда айрим қоидалар умумий хулосалар, аксиомалар, қоидалар, қонунлардан тадрижий йўл билан келтириб чиқарилади. Умумийдан келиб чиқиб хусусий ходиса тўғрисида | research or descriptive method, a method in which certain rules are gradually derived from general conclusions, axioms, rules, laws. A method of drawing conclusions about a particular event from the general, in which a conclusion is |

| | | |
|---|---|---|
| | хулоса чиқариш услуби, бунда қатор хусусий ҳолатлардан барча ана шундай ҳолатлар йиғиндиси тўғрисида хулоса қилинади. Бу ерда аввалига обектнинг умумий ҳолати, сўнг унинг алоҳида элементлари тадқиқ этилади. | drawn about the sum of all such cases from a number of special cases. Here, first the general condition of the object, then its individual elements are studied. |
| **Дезинтеграция** | бутуннинг айрим қисмларга парчаланиши | Disintegration is the disintegration of a whole into individual parts |
| **Деизм** | Худо дунёни яратгач, унда иштирок этмайди ва унинг воқеалари табиий кечишига аралашмайди, деб ҳисоблайдиган фалсафий нуқтаи назар. | Deism is a philosophical view that believes that when God created the world, he would not participate in it and that its events would not interfere with its natural course. |
| **Детерминизм** | барча воқеалар ва ҳодисаларнинг қонунийлиги ва сабабий боғланганлиги ҳақидаги фалсафий таълимот. | a philosophical doctrine of the legitimacy and causal connection of all events and phenomena. |
| **Диалектика** | ҳаракат, ривожланиш, ўзгариш ҳақидаги фалсафий таълимот. | philosophical doctrine of movement, development, change. |
| **Дискрет** | узлукли | intermittent |
| **“Ички реализм”** | фалсафий реализмнинг Х.Патнэмнинг умумий фалсафий позициясини ифодаловчи версияси бўлиб, у метафизик реализм ва релятивизмга зиддир. | is a version of philosophical realism that represents the general philosophical position of H. Patnem, which contradicts metaphysical realism and relativism. |
| **Идеал** | мутлақ баркамоллик, бундай баркамоллик ҳақидаги тасаввур. | absolute perfection, the notion of such perfection. |
| **Идеаллаш** | реал буюмлар хоссаларини ўзгартириш орқали идеал объектларни ҳосил қилишнинг ақлий (хаёлий) жараёни. Масалан, шу тарзда идеал газ, мутлақ қаттиқ жисм, сиқилмайдиган суюқлик, моддий нуқта, жамият, бозор каби тушунчалар юзага келади. | the mental (imaginary) process of creating ideal objects by changing the properties of real objects. For example, in this way concepts such as ideal gas, absolute solid, incompressible liquid, material point, society, market are formed. |
| **Идрок** | сезгилар воситасида олинган билимнинг онгдаги акси. | the reflection in the mind of the knowledge acquired through the |

| | | |
|---|---|---|
| | | senses. |
| **Изох, тушунтириш** | фаннинг энг муҳим функцияси, предметлар, ҳодисалар ва воқеаларга оид фактларни муайян умумий хулосалар (қонунлар, назариялар, принсиплар) остида жамлашдан иборат. | the most important function of science is to summarize the facts about objects, events, and happenings under certain general conclusions (laws, theories, principles). |
| **Интерпретация** | (от. лат. интерпретатио – изоҳлаш, тушунтириш) – ҳодиса, матн, белгили тузилма, расм, график маъносини очиб бериш услуби, бу уларни англашга кўмаклашади. | (at. lat. interpretatio - interpretation, explanation) - a method of revealing the meaning of an event, text, symbolic structure, picture, graphic, which helps to understand them. |
| **Интуиция** – | (лот. интуитио – кўз узмай тикилиш, томоша қилиш(созерцание) – кенг мантиқий мулоҳазага мурожаат қилмай туриб бевосита ҳақиқатни аниқлаш, билиш имконияти. Психологик жиҳатдан ички кўриш (озарениэ) каби тавсифланади. | int. . It is based on previous, accumulated facts, knowledge, that is, the basis for explaining a novelty is a method of predicting an event based on previous knowledge. |
| **Илмий билиш методологияси** | илмий-тадқиқот фаолиятининг тамойиллари, шакллари ва услублари тўғрисидаги таълимот. | doctrine of the principles, forms and methods of research activity. |
| **Илмий назария** | мавҳум тушунча ва мулоҳазалар тизими бўлиб, воқеликнг бевосита эмас, балки идеаллаштирилган акси бўлиб келади. | it is a system of abstract concepts and considerations, and becomes an idealized reflection of reality, not a direct one. |
| **Иррационализм** | борлиқни оқилона мантиқий билиш имкониятини рад этувчи нуқтаи назар. | a view that denies the possibility of knowing reason rationally. |
| **Иэрархия** | бир нарсанинг функционал аҳамияти ёки хизмат мавқеига кўра иккинчи нарсага, учинчи нарсага ва ҳоказоларга бўйсуниши. | the subordination of one thing to another, to a third, etc., according to its functional significance or position of service. |
| **Изотроп** | барча йўналишларда бир хил. | the same in all directions. |
| **Идеаллаш** | реал буюмлар хоссаларини ўзгартириш орқали идеал обектларни ҳосил қилишнинг | the mental (imaginary) process of creating ideal objects by changing the properties of real |

| | | |
|---|---|---|
| | ақлий (хаёлий) жараёни. Масалан, шу тарзда идеал газ, мутлақ каттиқ жисм, сиқилмайдиган суюқлик, моддий нуқта, жамият, бозор каби тушунчалар юзага келади. | objects. For example, in this way concepts such as ideal gas, absolute solid, incompressible liquid, material point, society, market are formed. |
| **Изоҳ, тушунтириш** | фаннинг энг муҳим функцияси, предметлар, ҳодисалар ва воқеаларга оид фактларни муайян умумий хулосалар (қонунлар, назариялар, принциплар) остида жамлашдан иборат. | the most important function of science is to summarize facts about objects, events, and happenings under certain general conclusions (laws, theories, principles). |
| **Индукция** | (лот. индуктио – наведение) – кўпчилик элементларнинг белгилари тўғрисида ана шу кўпчиликдан бир қисмининг белгиларини ўрганиш асосида мантиқий хулоса чиқариш, яъни хусусий фактлар, қоидалардан умумий хулосаларга ўтиш, умумлаштириш услуби. Бундай хулоса доим ишончли, узил-кесил эмас, балки эҳтимолий ёки ҳақиқатга яқин кўринишга эга бўлади. Шунинг учун замонавий мантиқ фанида унинг тасдиқланиш даражасини релевант усуллар ёрдамида олинган ҳақиқатга яқин бўлган хулоса деб қаралади. | (Lat. induktio - navedenie) - a method of generalization about the characteristics of the plural elements, based on the study of the characteristics of a part of the plural, that is, the transition from specific facts, rules to general conclusions. Such a conclusion will always seem plausible, not conclusive, but probable or close to reality. Therefore, in the science of modern logic, its degree of affirmation is considered to be a conclusion close to the truth obtained by means of relevant methods. |
| **Ғоя** | қарашлар, назариялар, дунёқарашлар кабилар тизимида асосий, белгиловчи (асосий) қоида. | a basic, defining (basic) rule in the system of views, theories, worldviews, etc. |
| **Контекстсиз элементлар** | оддий, дастлабки хусусиятлар, атрибутлар, омиллар, дискрет маълумотлар, сигналлар ва бошқалар., ўртасидаги муносабатлар муайян назария билан шакллантирилган. | simple, the relationship between initial properties, attributes, factors, discrete data, signals, etc., is shaped by a specific theory. |
| **Каузаллик** | сабабият, сабаб ва оқибатнинг қонуний алоқаси | the legal relationship of cause, effect, and effect |
| **Коммуникация** | (кенг маънода) – мулоқот. | (in the broadest sense) - communication. In existentialism, it |

| | | |
|---|---|---|
| | Экзистенсиализмда – мулоқот тури бўлиб, унинг ёрдамида «Мен» ўзини бошқа одамда топади. | is a form of communication through which the "I" finds itself in another person. |
| **Консепция** | бирон нимага нисбатан қарашлар тизими, асосий фикрлар йиғиндиси, бунда тадқиқот мақсад, вазифалари аниқланиб, унинг олиб бориш йўллари кўрсатилади. | a system of views on something, a set of basic ideas, in which the purpose of the research, the tasks are defined, and the ways of its conduct are indicated. |
| **Конституциялаш** | яратиш, белгилаш, муайян ташкилий тус бериш. | create, define, give a certain organizational tone. |
| **Локутив акт** | (Д. Остин томонидан "нутқ ҳужжатлари" назарияси тушунчаси) - ўзини гапириш акти (шунингдек, иллокутив, перлокутивак). | (The concept of the theory of "speech documents" by D. Austin) - the act of self-speech (also illocutive, perlocutive). |
| **Маънонинг текшириш назарияси** | мантиқий эмпиризм тушунчаси бўлиб, унга кўра фақат протокол жумлаларига қисқартирилиши мумкин бўлган жумлалар маънога эга. | is a concept of logical empiricism, according to which only sentences that can be abbreviated to protocol sentences have meaning. |
| **Материализм** – | дунёнинг моддийлигидан ва онгдан қатъий назар мавжудлигидан келиб чиқадиган фалсафий йўналиш. | a philosophical direction that stems from the existence of the world regardless of its materiality and consciousness. |
| **Метафизика** – | Гегелдан олдинги ва ҳозирги Ғарб фалсафасида борлиқнинг ўта ҳиссий тамойиллари ва асослари ҳақидаги фан. Фалсафанинг синоними сифатида ишлатиладиган атама. | The science of the ultimate emotional principles and foundations of existence in pre-Gegel and modern Western philosophy. A term used as a synonym for philosophy. |
| **Мистика** – | сирли, ғайритабиий, тушунарсиз нарса ёки ҳодиса. | mysterious, supernatural, incomprehensible thing or phenomenon. |
| **Моддийлаштириш** – | маъно структуралари, схемалар, лойиҳаларнинг инсон фаолиятида гавдаланиши. | semantic structures, schemes, the embodiment of projects in human activity. |
| **Модус** – | предметнинг унга айрим ҳолатлардагина хос бўлган муваққат хоссаси. | a temporary property of an object peculiar to it only in certain cases. |
| **Монизм** – | плюрализмга зид ўлароқ, муайян бир асосдан келиб чиқадиган фалсафий ёндашув. | as opposed to pluralism, a philosophical approach that stems from a specific foundation. |
| **Наукометрия** – | фаншуносликнинг илмий | the field of science engaged in |

| | | |
|---|---|---|
| | ахборот тузилмаси ва динамикасига оид статистика тадқиқотлари билан шуғулланадиган соҳаси. | statistical research on the structure and dynamics of scientific information. |
| **Пассионар –** | ички энергияга эгалик ёки ўта ғайратлилик | possession of inner energy or excessive zeal |
| **Перманент –.** | доимий, узлуксиз | continuous, uninterrupted |
| **Персепция –** | идрок этиш. | perception |
| **Расионализм –** | ақлни билиш ва одамлар хулқ-атворининг негизи деб эътироф этадиган фалсафий йўналиш. | a philosophical orientation that recognizes reason and recognizes it as the basis of human behavior. |
| **Радикал конвенционализм** - | К.Айдукевич томонидан ишлаб чиқилган таълимот бўлиб, кузатиш таклифлари шартли равишда қабул қилинган "концептуал асосга" боғлиқ ва шунинг учун "назарий нейтрал " эмпирик асосни шакллантирмайди. | It is a doctrine developed by K. Aydukevich that the observational propositions depend on a conditionally accepted 'conceptual basis' and therefore do not form a 'theoretically neutral' empirical basis. |
| **Сингуляр (атомар) таклиф** | бу энг оддий турдаги таклиф бўлиб, у объектнинг маълум бир хусусиятга эга еканлигини ёки икки ёки ундан ортиқ объектнинг бир-бирига нисбатан маълум бир муносабатда эканлигини билдиришни назарда тутади. | it is the simplest type of proposition, which implies that an object has a certain property, or that two or more objects have a certain relation to each other. |
| **Сакрал** | муқаддас | holy |
| **Сенсуализм** | ҳиссий билишнинг ролини оқилона билишнинг аҳамиятидан устунроқ қўювчи фалсафий йўналиш. | a philosophical direction that prioritizes the role of emotional cognition over the importance of rational cognition. |
| **Символ** | бирон-бир ғояни ифодаловчи белги, образ. | a character, an image, representing any idea. |
| **Синкретизм** | қисмларга ажралмаганлик, бирон-бир ҳодисанинг норасо ҳолати билан белгиланадиган ҳар хил жинсли элементларнинг аралашуви. | inseparability, the intermingling of elements of different sexes, which is determined by the defective state of any event. |
| **Синергетика** | (юнонча «сйнергеиа», «синергетикос») биргаликда ҳаракат қилиш, ҳамкорлик, ўзаро мувофиқлаштирган таъсир маъноларига эга. | (Greek "synergeia", "synergetikos") means to act together, to cooperate, to co-ordinate. |

| | | |
|---|---|---|
| **Технотрон жамият** | компютер инқилоби босқичига кирган жамият. | a society that has entered the stage of the computer revolution. |
| **Транссендентал** | ўта умумий | very common |
| **Универсум** | ягона Олам, яхлит дунё. | a single universe, a unified world. |
| **Фалсафа** | тушунчаси юнонча пхилео – севаман ва сопҳиа – донолик сўзларидан келиб чиққан бўлиб, мазкур атаманинг дастлабки маъносини доноликка муҳаббат деб талқин қилиш мумкин. Фалсафа сўзини илк бор қадимги юнон мутафаккири Пифагор милоддан аввалги VI асрда тайёр ҳолда (афсоналар, ривоятлар, анъаналар орқали) авлоддан авлодга ўтувчи билим ва инсон ўз ақлига таяниб, мушоҳада юритиш ва борлиқни танқидий тушуниш йўли билан олиши мумкин бўлган билимни фарқлаш мақсадида ишлатган. | The concept is derived from the Greek words phileo - love and sophia - wisdom, and the original meaning of the term can be interpreted as love of wisdom. The word philosophy was first used by the ancient Greek philosopher Pythagoras in the sixth century BC to distinguish between knowledge that can be passed on from generation to generation (through myths, legends, traditions) and knowledge that a person can acquire through observation and critical understanding of existence. |
| **Фан** | одамларнинг реал олам тўғрисидаги обектив маълумотларни тизимлаштиришга қаратилган фаолият соҳаси, табиат, жамият ва тафаккурнинг обектив қонунларига оид бўлган, узлуксиз ривожланиб бораётган билимлар тизими. Фан ижтимоий ҳодиса, билимларнинг тизимлаштирилган шакли. | a field of activity aimed at systematizing objective information about the real world of people, a constantly evolving system of knowledge related to the objective laws of nature, society and thought. Science is a social phenomenon, a structured form of knowledge. |
| **Физикализм** | нео-позитивизмнинг асосий постулатларидан бири бўлиб, у барча фанларни универсал тил (физика тили) асосида бирлаштириш имкониятини тасдиқлайди; "асосий баёнотлар" сифатида физик объектларнинг кузатишларини тасвирлайдиган жумлалар қабул қилинади. | is one of the main postulates of neo-positivism, which affirms the possibility of uniting all sciences on the basis of a universal language (the language of physics); “basic statements” are sentences that describe observations of physical objects. |
| **Феномен** | инсонга ҳиссий билиш тажрибасида берилган ҳодиса. | a phenomenon given to man in the experience of emotional cognition. |

| | | |
|---|---|---|
| **Феноменология** | бевосита кузатиш мумкин бўлган идеал моҳиятлар сифатидаги феноменлар ҳақидаги фалсафий таълимот. | a philosophical doctrine of phenomena as ideal essences that can be directly observed. |
| **Флуктуация** | ўзгариш, белгиланган параметрлардан тасодифий оғиш. | change, random deviation from the specified parameters. |
| **Эмпирик** | тажрибада кўрилган | seen in experiment |
| **Этимология** | у ёки бу сўз ёки иборанинг келиб чиқиши. | the origin of this or that word or phrase. |
| **Эпистемология** | (луғавий маъноси: грекча “илмий билим, фан”, “ишончли билим”). Билиш ҳақидаги фалсафий таълимот, илмий билишни тадқиқ этади. Эпистемология фалсафанинг шундай соҳасики, унда билим табиати ва имкониятлари, чегараси ва ишончлилик шартлари таҳлил қилинади. 1832 йилдан илмий атама сифатида қўлланила бошлаган. | (Dictionary meaning: Greek "scientific knowledge, science", "reliable knowledge"). The philosophical doctrine of knowledge explores scientific knowledge. Epistemology is a branch of philosophy in which the nature and possibilities, limits, and conditions of reliability of knowledge are analyzed. It has been used as a scientific term since 1832. |
| **Ҳақиқат** | воқеликнинг инсон онгидаги билимларига айнанлиги, мослиги. | the accuracy of reality to the knowledge of the human mind. |
| **Холизм** | оламнинг бир бутунлиги ҳақидаги қараш бўлиб, верификация тамойилига кўра фақат бутун тизимнинг бир қисми сифатида текшириш мумкин. | is a view of the integrity of the universe, which, according to the principle of verification, can only be verified as part of the whole system. |

# VI. ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР


## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

### I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

### II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2019.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни.
8. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнь “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрель "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июнь “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли Қарори.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 май “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июнь “2019-2023

йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантири чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарори.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрь “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарори.

## Ш. Махсус адабиётлар

1. “Марказий Осиё динлари тарихи” (ҳаммуаллифликда). -Т., ТДШИ, 2006.
2. David Spencer “Gateway”, Students book, Macmillan 2012.
3. English for Specific Purposes. All Oxford editions. 2010, 204.
4. H.Q. Mitchell “Traveller” B1, B2, MM Publiciations. 2015. 183.
5. H.Q. Mitchell, Marileni Malkogianni “PIONEER”, B1, B2, MM Publiciations. 2015. 191.
6. Lindsay Clandfield and Kate Pickering “Global”, B2, Macmillan. 2013. 175.
7. Steve Taylor “Destination” Vocabulary and grammar”, Macmillan 2010.
8. Абдулҳаким Шаръий Жўзжоний. Ислом ҳуқуқшунослиги. Ҳанафий мазҳаби ва Ўрта Осиё фақиқлари. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёти, 2002. – 256 б.
9. Абдуҳалимов Б. Байт ал-ҳикма ва Ўрта Осиё олимларининг Бағдоддаги илмий фаолияти. –Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт матбаа бирлашмаси, 2004. – 236 б.
10. Али-заде Айдын Ариф огли. Хроника мусульманских государств. – М.: УМАА, 2007. – 445 с.
11. Асекретов О.К., Борисов Б.А., Бугакова Н.Ю. и др. Современные образовательные технологии: педагогика и психология: монография. – Новосибирск: Издательство ЦРНС, 2015. – 318 с. http://science.vvsu.ru/files/5040BC65-273B-44BB-98C4-CB5092BE4460.pdf
12. Белогуров А.Ю. Модернизация процесса подготовки педагога в контексте инновационного развития общества: Монография. — М.: МАКС Пресс, 2016. — 116 с. ISBN 978-5-317-05412-0.

13. Беруний Абу Райҳон. Танланган асарлари: Т.1. (Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар) Т.: Фан, 1968.
14. Босворт К. Э. “Мусулмон сулолалари”. – Т.: “Фан” нашриёти, 2007. – 271 б.
15. Воҳидов Ш., Қодиров А. “Шарқнинг машҳур сулолалари”. – Т.: Akademnashr, 2013. – 624 б.
16. Гулобод Қудратуллоҳ қизи, Р.Ишмуҳамедов, М.Нормуҳаммедова. Анъанавий ва ноанъанавий таълим. – Самарқанд: “Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази” нашриёти, 2019. 312 б.
17. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари. – Т.: Ислом университети, 2010.
18. Ибраймов А.Е. Масофавий ўқитишнинг дидактик тизими. методик қўлланма/ тузувчи. А.Е. Ибраймов. – Тошкент: “Lesson press”, 2020. 112 бет.
19. Игнатова Н. Ю. Образование в цифровую эпоху: монография. М-во образования и науки РФ. – Нижний Тагил: НТИ (филиал) УрФУ, 2017. – 128 с. http://elar.urfu.ru/bitstream/10995/54216/1/978-5-9544-0083-0_2017.pdf
20. Ишмуҳамедов Р.Ж., М.Мирсолиева. Ўқув жараёнида инновацион таълим технологиялари. – Т.: «Fan va texnologiya», 2014. 60 б.
21. Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати. –Т.:Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009.
22. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. –Т.: Ўзбекистон, 2000.
23. Муслимов Н.А ва бошқалар. Инновацион таълим технологиялари. Ўқув-методик қўлланма. – Т.: “Sano-standart”, 2015. – 208 б.
24. Олий таълим тизимини рақамли авлодга мослаштириш концепцияси. Европа Иттифоқи Эрасмус+ дастурининг кўмагида. https://hiedtec.ecs.uni-ruse.bg/pimages/34/3._UZBEKISTAN-CONCEPT-UZ.pdf
25. Усмонов Б.Ш., Ҳабибуллаев Р.А. Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини кредит-модуль тизимида ташкил қилиш. Ўқув қўлланма. Т.: “Tafakkur” нашриёти, 2020 й. 120 бет.
26. Ҳусниддинов З.М. “Ислом: йўналишлар, оқимлар, мазҳаблар”. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти. Тошкент, 2000 йил.

**IV. Интернет сайтлар**

27. http://edu.uz – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
28. http://lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси
29. http://bimm.uz – Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш бош илмий-методик маркази

30. http://ziyonet.uz – Таълим портали ZiyoNET
31. https://philpapers.org/ - международная философская поисковая система по книгам, статьям, журналам, находящимся в открытом доступе
32. https://plato.stanford.edu/ - Стэнфордская энциклопедия философии.
https://elibrary.ru/ - крупнейший российский информационно-аналитический портал (в том числе) в области философии